

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“ДИНШУНОСЛИК ФАНИНИ МА ННАВИЙ  
МАДАНИЯТИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ  
СИФАТИДА ЎРГАНИЛИШИ”  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ  
МАЖМУА**

**Тошкент 2018**

*Мазкур ўқув-услубий мажмуда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 мартағи 247 -сонли буйруги билан тасдиқланган ўқув режса ва дастур асосида тайёрланди.*

**Тузувчи:** PhD. А.Ташанов

ф.ф.д. О.Нишонова

**Такризчи:** ф.ф.н., доц. Жалилов Б.

*Ўқув-услубий мажмуда ЎзМУ кенгашиининг 2017 йил 30 августдаги 1-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

## **МУНДАРИЖА**

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	11
III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	15
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	58
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	62
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	63
VII. ГЛОССАРИЙ .....	64
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	64

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Жамият тараққиёти нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксаклиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги, инновацияларни тадбиқ этилганлиги билан ҳам ўлчанади. Демак, таълим тизими самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ҳамда амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, чет эл илғор тажрибаларни ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. “**Диншунослик фанини маънавий маданиятининг таркибий қисми сифатида ўрганилиши**” модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

“**Диншунослик фанини маънавий маданиятининг таркибий қисми сифатида ўрганилиши**” модули ўқитишида илғор хорижий тажрибалар маъруза ва амалий машғулотларни ўзлаштириш жараённида тингловчилар Европа, Америка қўшма штатлари, Россия ва қатор Осиё давлатларининг Диншунослик фанини маънавий маданиятининг таркибий қисми сифатида ўрганилиши фанларини ўқитиш жараёнининг ташкил этилиши, модуль-кредит тизими, фанларнинг тақсимланиши, етакчи хорижий олигоҳларида чоп этилган дарсликлар, ўкув ва услубий қўлланмалар ҳақида тасаввурга эга бўладилар.

### Модулнинг мақсади ва ВАЗИФАЛАРИ

“**Диншунослик фанини маънавий маданиятининг таркибий қисми сифатида ўрганилиши**” модули ўқитишидан мақсад: олий ўкув юртлари профессор-ўқитувчилари билан глобаллашув жараёнининг ўзига хос жиҳатлари, уни ўрганиш ва таҳлил қилишга қаратилган илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш орқали ушбу йўналишдаги таълим жараёнини мувофиқлаштириш ва мазмунан бойитиш, глобаллашувнинг миллий-маънавиятимизга таҳди迪 бўйича маълумотларни бериш самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган замонавий ёндашувлар билан ҳамда педагогик ва ахборот технологиялар билан таништириш, миллий ғоя, маънавият асослари, диншунослик соҳасида юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш.

### **Модулнинг вазифалари:**

- Республика олигоҳларида Диншунослик фанини маънавий маданиятининг таркибий қисми сифатида ўрганилиши таълими структурасини мувофиқлаштириш;
- Республика олийгоҳларида Диншунослик фанини маънавий маданиятининг таркибий қисми сифатида ўрганилиши таълим мининг моҳиятини мукаммаллаштириш;
- Республика олийгоҳларида Диншунослик фанини маънавий маданиятининг таркибий қисми сифатида ўрганилиши ўқитиш методикасининг асосий муаммолари, таълим-тарбия жараёнини замон талабларига мос ҳолда ташкил этиш ва бошқариш;

### **Фан бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Диншунослик фанини маънавий маданиятининг таркибий қисми сифатида ўрганилиши” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- жаҳон етакчи университетларининг ўқув режалари;
- хорижий “Диншунослик фанини маънавий маданиятининг таркибий қисми сифатида ўрганилиши” бўйича дарслеклари, ўқув қўлланмалари структураси;
- жаҳон ва республикамиздаги “Диншунослик фанини маънавий маданиятининг таркибий қисми сифатида ўрганилиши” модулнинг ривожи ҳақида билимларга эга бўлиши;

#### **Тингловчи:**

- Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси фанларининг модулини яратиш;
- Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси ўқитилишида кейс, лойиҳа ва бошқа технологияларни қўллаш қўникма ва малакаларини эгаллаши;
- Илгор хорижий университетларда қўлланадиган модуль, ассесмент, кейс ва бошқа интерфаол услуб ва технологияларни;
- Ўқитиш жараёнида жаҳон ва республикада миллий ғоя, маънавият асослари, диншунослик фанининг ривожданиш тенденцияларини;
- креативлик ва ижодийликни миллий ғоя, маънавият асослари, диншуносликка оид фанларни ўқитишида қўллана олиш компетенцияларни эгаллаши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Диншунослик фанини маънавий маданиятининг таркибий қисми сифатида ўрганилиши” янги модул бўлганлиги туфайли дарс давомида модулни мазмуман бойитиш тингловчилар ўз тажрибалардан ва

интернет тармоқларидан олган материалларни оммавийлаштирмоғи мақсадга мувофиқ.

Курсни ўқитиши жараёнида кичик гурухларда ишлаш, аудитория дарслардан олдин маъмумотлар билан таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган. Ҳар бир тингловчи учун “Диншунослик фанини маънавий маданиятининг таркибий қисми сифатида ўрганилиши” фанини ўқитишида ўзини ва илғор хорижий тажрибаларни солиштириш учун имкониятлар яратилади. Республикаизнинг олийгоҳларида қўлланилиши мумкин бўлган усул, воситалар ва технологияларни танлаб олиш учун тингловчилардан амалий фаоллик табал этилади.

### **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Диншунослик фанини маънавий маданиятининг таркибий қисми сифатида ўрганилиши” модули мазмуни ўқув режадаги илғор таълим технологиялари ва педагогик йўналишидаги (касбий компетентлик ва креативлик, Замонавий педагогик технологиялар ва бошқ.), ахборот коммуникацион технологияларини ёритиб турувчи барча модуллари билан узвий боғлиқ. Олий ўқув юртларида диншунослик фанини маънавий маданиятининг таркибий қисми сифатида ўрганилиши модулини ўқитиши самарадорлиги, республикамизда фаннинг ривожланиши, уни ўқитишига оид замонавий билим ва кўникмалар ҳамда илғор педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилганда амалга ошади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар илғор хорижий мамлакатларда биология ўқитишини ташкил қилишнинг хорижий тажрибаларни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар. Сўнгги йилларда Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси соҳасидаги ютуқлар ва истиқболлар олий ўқув юртларидағи таълим жараёнининг мазмунини бойитишга хизмат қиласади.

**“Диншунослик фанини маънавий маданиятининг таркибий қисми  
сифатида ўрганилиши”  
модулининг соатлар бўйича тақсимоти**

№	<b>Модул мавзулари</b>	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					<b>Мустакил тальим</b>	
		<b>Ҳаммаси</b>	<b>Аудитория ўқув юкламаси</b>			<b>Жами</b>		
			<b>жумладан</b>	<b>Назарий</b>	<b>Амалий</b>	<b>Кучма</b>		
<b>1.</b>	Диншуносликнинг фан сифатида ривожланишининг муаммолари ва истиқболи	4	4	2	2			
<b>2.</b>	Диннинг асосий даражаларини ўқитиш методикаси.	4	4	2	2			
<b>3.</b>	Миллий динларни ўқитишдаги ўзига хос жиҳатлар.	4	4	2	4			
<b>4.</b>	Жаҳон динларини ўқитишда миллий ва минтақавий хусусиятларнинг аҳамияти	6	6	2	4			
<b>5.</b>	Ислом динида ислом дини моҳиятини илм ташкил этилиши	10	8	2	4		2	
<b>Жами:</b>		<b>28</b>	<b>26</b>	<b>10</b>	<b>16</b>		<b>2</b>	

### **НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

#### **1-МАВЗУ: Диншуносликнинг фан сифатида ривожланишининг муаммолари ва истиқболи**

Диннинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги моҳиятини очиб бериш. Замонавий дунё диний харитасига умумий тавсиф. Динни обьектив таҳлил этишнинг аҳамияти. Диншуносликнинг фан сифатида ривожланишининг муаммолари ва истиқболи.

#### **2-Мавзу: Диннинг асосий даражаларини ўқитиш методикаси.**

Диннинг асосий даражаларини ўқитиш методикаси. Диннинг бирлаштирувчилик, тарбиявий, дунёкрашини шакллантирувчилик вазифаларини ўқитиш методикаси. Ибтидоий ва ургуф-қабила динларини ўқитишдаги ўзига хос жиҳатлар.

#### **3-Мавзу: Миллий динларни ўқитишдаги ўзига хос жиҳатлар.**

Миллий динларни ўқитишдаги ўзига хос жиҳатлар. Қадимги Миср,

Месопотамия Қадимги Юонон ва Қадимги Рим динлари динларига хос хусусиятлар. Ҳиндистоннинг миллий динлари - брахманлик, жайнийлик, ҳиндуийлик. Хитойнинг миллий динлари - конфуцийлик ва даосизм. Ҳиндуийликни ўқитишида замонавий методикадан фойдаланиш.

#### **4-мавзу. Жаҳон динларини ўқитишида миллий ва минтақавий хусусиятларнинг аҳамияти**

Жаҳон динларини ўқитишида миллий ва минтақавий хусусиятларнинг аҳамияти. Христианлик динида маънавий маданият масалалари.

#### **5-мавзу. Ислом динида ислом дини моҳиятини илм ташкил этилиши**

Ислом динида ислом дини моҳиятини илм ташкил этилиши, исломда бағрикенглик масалалари, инсон маънавияти ахлоқи масалалари ва бугунги кунда дунё мамлакатларида исломий кадриятларига муносабат.

Дунё динларини барчасида инсон маънавияти ва жамият маънавий салоҳиятини юксалтириш масалалари олам одам хақидаги муаммолар берилиши.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

Маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва интерфаол педагогик (Ақлий ҳужим, бумеранг) усул ва технологиялардан фойдаланилади.

Ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, график органайзерлардан, кейслардан фойдаланиш, гурӯхли фикрлаш, кичик гурӯхлар билан ишлаш, блиц-сўровлардан ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **ЖОРИЙ НАЗОРАТ(АССИСМЕНТ)НИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

Жорий назорат (ассисмент)ни баҳолаш Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Тармоқ (минтақавий) марказида тасдиқланган шакллари ва мезонлари асосида амалга оширади.

Ушбу модулнинг жорий назорат(ассисмент)га ажратирлан максималь балл-**0,8 балл.**

### **АДАБИЁТЛАР**

1. Абдусамедов А.И. Диншунослик асослари. Т: Ўзбекистон, 1995.
2. Яблоков И.Н. Религия: сущность и явления. М., 1982.
3. Яблоков И.Н. Социология религии. М., 1979.

4. Токарев С.А. Религия в истории народов мира. 4-е изд., испр. и доп. М., 1986.
5. Самыгин С.И., Нечипуренко В.Н., Полонская И.Н. Религиоведение: социология и социология религии. Ростов-на-Дону, 1996.
6. Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. М., 1996; 2-е издание, исправленное и дополненное. М., 1999.
7. Лукашов В.А., Омуррова Т.О., Трофимова З.П. Религиоведение. М., 2000.
8. Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Под редакцией С.М.Прозорова. Выпуски 1-3. М., 1998-2001.
9. Мўминов А.Қ. Диншунослик асосларини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси. Т., Тошкент давлат шарқшунослик институти, 1999.
- 10.Реадон Б. Бағрикенглик: тинчлик сари олға қадам. Т., 2002.
- 11.Тайлор Э. Первобытная культура. М., 1989.
- 12.Религиозные традиции мира. Буддизм, иудаизм, христианство, ислам. Справочник школьника. Бишкек, 1997.
- 13.Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. М., 1996; 2-е издание, исправленное и дополненное. М., 1999.
- 14.Основы религиоведения. Под редакцией И.Н.Яблокова. М., 1994. Издание второе, переработанное и дополненное. М., 1998.
- 15.Лекции по истории религии. Учебное пособие. Санкт-Петербург, 1997.
- 16.Лекции по религиоведению. Под редакцией профессора И.Н.Яблокова. М., 1998.
- 17.Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. – Т.: Ислом университети, 2005.
- 18.Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. –Т.:Ғафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009.
19. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: Ўзбекистон, 2000.
- 20.Ўзбекистон Республикасининг «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири. Т.: Адолат, 1998.
- 21.Беруний Абу Райхон. Танланган асарлари: Т.1. (Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар) Т.: Фан, 1968.
- 22.Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик: маърузалар матни. Т.: 2000й.
- 23.Куръони карим.-Т.: «Чўлпон», 1993 йил.
- 24.Хусnidдинов З.М. «Ислом: йўналишлар, оқимлар, мазҳаблар». «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти. Тошкент, 2000 йил.
- 25.Ҳасанов А.А. «Қадимги Арабистон ва илк ислом, жоҳилия асли». «Тошкент ислом университети», 2001 йил.
- 26.«Ислом зиёси ўзбегим сиймосида». «Тошкент ислом университети» нашриёти, 2001й.
- 27.«Шарқ» нашриёт – матбаа концернининг бош таҳририяти. Т.: 1998 й.
- 28.Шайх Муҳаммад Ҳузарий. «Нурул яқин ва итмомул вафоъ». Мовароуннаҳр нашриёти, 1992 йил.

29.Исҳоқов М.М. Халқ даҳосининг қадимги илдизлари ва илк куртаклари (Зардуштийлик, Зардушт ва Авесто ҳақида) // «Тил ва адабиёт таълими» журнали, № 2 (1992), Б. 3-12.

### **Электрон таълим ресурслари**

1. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)
2. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
3. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
4. [www.nuuz.uz](http://www.nuuz.uz)
5. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)


## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

### «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хуносалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хуносалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

#### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯхий тартибда тақдимот қилинади.



ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Намуна:** “Динларни ўрганишда самарали услублардан бири минтақавий ёндашув” фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.



## “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод қатнашчиларнинг янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади, шунингдек мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш мақсадида қўлланилади.

“Тушунчалар таҳлили” методиниамалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна: “Мавзуга оид тушунчалар таҳлили”**

Тушунча	Ҳал қилувчи қуч	Самараси нимада акс этади	Ёндашувни илгари сурган олимлар
<i>Киёсий диниунослик</i>			
<i>Виждон эркинлиги</i>			
<i>Дин социологияси</i>			
<i>Тотем</i>			

**Изоҳ:** Бўш устунларга қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

### Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қўйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

<b>Белгилар</b>	<b>1-матн</b>	<b>2-матн</b>
“V” – таниши маълумот.		
“?” – мазкур маълумотни тушуунмадим, изоҳ керак		
“+” бу маълумот мен учун янгилик		
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршишман?		

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилаар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

### **“Бумеранг” технологияси**

**Мақсади:** ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

#### **Амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастрраб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални 5 дақика давомида синчиклаб ўрганиш талаб этилади. .

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи груп аъзоларини ўқилган маълумот ҳакқида фикр алмасиниш имконягини беради. Бу вазифа учун 5 дақиқа вақт берилади.

3. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат бошқа кичик груптарга бирлаштиради ва груп аъзоларининг хар бири ўқиган маълумот ҳакқида фикр алмасиниш имконягини беради. Бу вазифа учун 10дақиқа вақт берилади.

4. Барча дастлаб шаклланган груптарга иштирокчилар қайтади, ва фикр алмасинган маълумот юзасидан бошқа груптарга бериш учун савол шакллантиради.

5. Ҳар бир групдан 1 киши савол беради, ва тўғри жавоб учун 1-3 гача балл қўйилади.

6. Тренер-ўқитувчи барча груптар тўплаган балларни умумлаштириб, ғолиб групни эълон қиласи.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

**“Бумеранг” технологияси асосида вазифа:** Олинган материални мазмунини тушуниб олишга харакат килинг, сўнг групда мухокама қилинг

<p><b>1- гүрухга вазифа</b></p>	<p>Мультискрипт бу ахборот узатишининг ўзига хос шакли бўлиб, бир томондан катта ҳажмдаги видеоматериаллар билан ишлашни осонлаштирса, иккинчи томондан ўз ичига матн, аудио ва видео каби бир қанча медиавий форматларни олади. Бизни қизиқтирган видеотасма фрагменти ҳамда бу фрагментга тегшли транскриптни тез ва катта аниқликда танлаб олиш мумкин. Мультискрипт ўз ичига учта блокни олади – плеер, “стенограмма” ва “мазмун”. Видеоматериални кўриш учун плеер тагида жойлашган “Play” пиктограммасини босиш керак. Видеотасманинг бизни қизиқтирган фрагментини кўришни уч йўл билан амалга ошиrsa бўлади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- плеер тагида жойлашган курсор ёрдамида;</li> <li>- “Стенограмма” блокида мант фрагментини босиб;</li> <li>- “Мазмун” блокида сарлавҳани активлаштириши орқали</li> </ul>
<p><b>2- гүрухга вазифа</b></p>	<p><i>Слайд-шоу.</i> Фотолентадан шуниси билан фарқ қиласиди, унда суратлар фотофильм режимида мустақил равишда варақланади. Суратлар сценарий асосидаги кетма-кетликда қўйилади. Слайд-шоу овоз билан биргаликда аудио-иллюстрация элементларини, яъни аудиоцитаталар, шовқин, овозли эфектлар, ахборот билан тўйинтирилган матнни ўз ичига олиши мумкин. Визуал кетма-кетлик ихтиёрий. Улар воқеа жойидан олинган суратлар ёки архив кадрлари, ҳужсатлар, хариталар, скриншотлар, карикатуралар ва ҳ.к. бўлиши мумкин. Бу технология репортаж, очерк, баъзида янгиликларни иллюстрация қилиши учун керак.</p>
<p><b>3- гүрухга вазифа</b></p>	<p>Аудиослайд-шоу – замонавий сабаб журналистиканинг мультимедиавийлиги синтетик варианти бўлиб, мустақил жсанрга айланди. Бу тушунча 2000 йилларда пайдо бўлган. Баъзи фотографлар фоторепортажларининг тақдимоти учун слайд-шоулардан фойдаланиб, унга тадбирда ёзид олинган овозни қўллаганлар. Кейинчалик бу усулдан катта нашриётлар фойдалана бошладилар. Аудиослайд-шоу танлаб олинган фотосуратлар ва уларга қўйилган овоздан иборат. Овоз сифатида мусиқий композиция ёки муаллиф ўқиган матн бўлиши мумкин. Мазмуннинг асоси бўлиб, ташки шовқин, овозли эфект, аудиоцитата ёрдамида берилган ҳикоя хизмат қилиши мумкин. Визуал қатор сифатида воқеа содир бўлган жойидан олинган суратлар, ёки архив кадрлари, ҳужсатлар, карикатуралар ва ҳ.к. олиниши мумкин.</p>
<p><b>4-гүрухга вазифа</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Панорамали фотография – обзор бурчаги катта бўлган фотографиядир. Оммавий воқеаларни ёритишда, объектларни, пейзаж, жойларни тасвирга олишида уларнинг масштабини кўрсатишда актуалдир.</li> <li>- Интерактив фото – шундай фотографияки, унга маҳсус меткалар қўйилган бўлиб, уларни босганда матн, видео, ссылка, ижтимоий тўрларнинг статуслари чиқади.</li> </ul>

### III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

#### 1-МАВЗУ: ДИНШУНОСЛИКНИНГ ФАН СИФАТИДА РИВОЖЛАНИШИННИНГ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛИ

##### *РЕЖА:*

- 1. Ўзбекистон қадимий диний таълимотлар ривожланган мамлакат сифатида.**
- 2. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги (янги таҳрир) Қонун**
- 3. Диний конфессиялар**

**Таянч иборалар:** Дин, диншунослик, диний манба, виждон эркинлиги, диний конфессиялар.

#### **1. Ўзбекистон қадимий диний таълимотлар ривожланган мамлакат сифатида.**

Ўзбекистон қадимдан диний таълимотлар ривожланган мамлакат бўлиб, исломдан аввал зардуштийлик ва бошқа ўнлаб динлар, мазҳаблар, оқимлар мавжуд бўлиб келган. Ислом ғалаба қилгандан кейин, у нафақат имон-эътиқодимиз бўлиб қолди, балки миллий маънавиятимиз, миллий одатларимизга ҳам чуқур таъсир этди. Ислом тасаввуф кўринишида Марказий Осиёда маънавий ва ғоявий бирлаштирувчи куч сифатида муҳим аҳамият касб этди. Соҳибқирон Амир Темурнинг сарбадорлар билан бирга муғулларга қарши олиб борган курашида ва ундан кейинги марказий давлат тузиш учун олиб борган қизғин фаолиятида сўфийлар фаол иштирок этган. Тарихдан маълумки, Амир Темур ислом динини ўзига хос равишда, мутаассиблиқдан холи, эркин эътиқод деб тушунган. Унинг комил эътиқоди бошқа динларни рад этиш ҳисобига бўлмаган ва бу жиҳатдан у нафақат ўз асри, балки ҳозирги замон кишиси учун ҳам ибратлидир.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакат аҳолисининг маънавий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ислом дини равнақига кенг йўл очиб берилди. Шу каби бошқа дин вакиллари ҳам атеистик тарғибот зуғумидан қутулиб, эмин-эркин равищда диний маросимларини ўтказадиган бўлди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мустақил Ўзбекистон сиёсатини белгилаб берар экан, динга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш лозимлигини қайта-қайта уқтиради. Юртбошимизнинг таъкидлашича, «Дин турмуш тарзимизга ўчмас муҳрини босган. Худога қарши курашгандарнинг аҳволи нима кечганини кўрдик. Энди бу хил бесамар ва қуруқ инкор йўли ярамайди. Динга нисбатан ижобий муносабат ташқи сиёсатимизда катта аҳамиятга эга».<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996 –Б. 79.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18, 31, 57, 61-моддаларида инсонлар учун бошқа эрк ва хуқуқлар қаторида виждон эркинлиги, динга эътиқод қилиш ёки қилмаслик эрки кафолатланган. Давлатимиз дин ва виждон эркинлигига катта эътибор бераб, халқимиз руҳиятига мос келадиган имон-эътиқод, адлу инсоф, диёнат, меҳру оқибат, ор-номус, покиза ахлоқ белгилари бўлган иффат, хаё, ҳалоллик, ростгўйлик каби эзгу фазилатларни ривожлантириш, мустаҳкамлашни асосий вазифа қилиб қўйди. Бундан ташқари, Конституциямизда Ўзбекистон ҳудудида яшовчи ҳар бир фуқаронинг манфаатлари, хуқуқ ва бурчлари қонун асосида белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидан:

**18-модда.** Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил хуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

**31-модда.** Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик хуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

Асосий конунимиз Ўзбекистон фуқаросини миллати, ирқи, жинси ва динидан қатъи назар, тенг хуқуқли деб билади, шунингдек, ўз эътиқодини эркин намоён этиш, ибодат қилиш, урф-одат ва миллий анъаналарини давом эттириш ва уларни ҳурмат қилишни кафолатлади. Конституцияда белгиланган ушбу қоидалар 1998 йилда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги (янги таҳрир) Қонунда янада кенгроқ ифодасини топди.

Ушбу қонуний хужжатларда белгиланган қоидалар дунёвий демократик давлатнинг динга муносабатини акс эттиради. Зоро, Ўзбекистонда мустақиллик қўлга киритилгандан кейин барпо этилган миллий давлат – бу дунёвий характердаги давлатдир. Бунинг маъноси шуки, давлат дин ишларига, дин эса давлат ишларига аралашмайди. Чунки “давлат”, “ҳокимият”, “сиёсат” тушунчалари асл моҳияти билан дунёвий ҳодисадир. Ҳукмронлик, бошқариш ҳам кундалик жараён билан боғлиқ бўлган секуляр<sup>2</sup> характерга эга фаолиятдир. Давлат дунёвий тафаккурга асослансангина, у ҳалқ эҳтиёжига мос келади, демократик характер касб этади ва жамиятни уюштирувчи миллий тараққиётга раҳбарлик этувчи фаол органга айлана олади. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Конституциясининг 7 ва 12 моддаларига яна бир бор эътиборга қаратишга зарурат туғилади.

Унинг 7-моддасида таъкидланишича, «Ҳалқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир». Бу қоида, биринчидан, ҳокимиятнинг ҳалқ томонидан сайланиши, ҳалқ вакиллари бошқариши (бирор бир подшо ёки суолола эмас), ҳокимиятнинг ҳалққа таяниши ва ҳисоб беришини англатса, иккинчидан, ҳокимият, ҳукм аллақандай осмондан тушадиган, у танлаб олинган, кимгадир абадий тухфа қилинган («Подшоҳ -Аллоҳнинг ердаги сояси» дегандек) нарса эмас, балки ҳалқнинг иродасидан ҳосил бўладиган ва шу иродани ифодалайдиган нарса эканини ҳам англатади. Демак, ҳукм ҳалқнинг ўзиники, ундан ташқарида эмас. Бу – демократия тамойилларига асосланган дунёвий давлатнинг асосий қоидаси, Ўзбекистон давлати бу қоидага оғишмай амал қилмоқда.

12-моддада ўқиймиз: «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

<sup>2</sup> Спекуляр – дунёвий тафаккур тарзини билдирувчи фалсафий атама.

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас».

Бу ҳам дунёвий давлат табиатидан келиб чиқадиган талаб. Чунки бирор бир мафкура, у хоҳ сиёсий бўлсин, хоҳ диний бўлсин, давлат мафкурасига айланса, демократия бўғилади, тоталитаризм ғалаба қиласди. Диндаги сакрал тафаккур<sup>3</sup> давлат ишлари, жумладан, ҳокимиятни бошқаришда илоҳийликка таянади ва шу боис ҳам жамиятда хилмачил қараашлар бўлишини, фаол амалиётнинг йўлини тўсади. Сакрал тафаккур ҳокимиятни илоҳийлаштиради. Дунёвий демократик давлатда эса бунга йўл қўйилмайди.

#### **ДИН ЎЗ МОҲИЯТИГА КЎРА:**

- имон-эътиқод;
- шариат, маросим, амаллар мажмуи;
- муқаддаслик (сакрал) тафаккури;
- ахлоқий-маънавий тарбия;
- диний илмларни ўз ичига олади ва муайян тизимга эга тоталитар (мутлоқ) мафкурани ташкил этади.

#### **ДИНЁВИЙ ДАВЛАТ ЎЗ ТАБИАТИГА КЎРА:**

- демократик тамойилларга;
- секуляр (дунёвий) тафаккурга;
- мафкуралар хилма-хиллигига;
- халқ иродасига таянади ва ҳеч бир мафкуранинг мутлоқ устунлигига йўл қўймайди;

Буларнинг ҳаммаси ривожланаётган ҳозирги дунёда дунёвийлик асосида давлат куриш энг оқилона ва тўғри йўл эканини исботлайди.

## **2. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги (янги таҳрир) Қонун**

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги (янги таҳрир) Қонуннинг 5-моддасида таъкидлашича, «Ўзбекистон Республикасида дин давлатдан ажратилган. Ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларга нисбатан бирон бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмайди». Ҳеч бир динга имтиёз ёки чеклашлар берилмайди, деганда давлатнинг бирон бир дин тарафида туриб, бошқа динларни таъқиб остига олиш тушунилади. Масалан, Ўзбекистон аҳолисининг кўпчилиги мусулмонлар бўлишига қарамай, Ўзбекистон давлати Исломни қўллаб-куватлаб, бошқа динларни таҳқиrlаётгани йўқ. Агар шундай қилинса, бундай ҳаракат Конституцияга зид, бошқа диндаги фуқаролар хуқуқи чекланган бўларди, демократия принциплари бузиларди. Қонунда яна қайд этилади: «Давлат диний ташкилотлар зиммасига ўзининг ҳеч қандай вазифасини бажаришни юкламайди, уларнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган фаолиятига аралашмайди. Диний ташкилотлар давлат вазифаларини бажармайди. Давлат диний ташкилотларнинг фаолиятини ҳамда даҳрийлик тарғиботига оид фаолиятини маблағ билан таъминламайди».

Бунда давлат ва диний ташкилотлар орасидаги муносабатнинг тўрт жиҳати аниқ белгиланган. Булар:

- 1) Давлат диний ташкилотларга ҳеч бир вазифа юклаб, уни бажаришни талааб қилмайди.
- 2) Диний ташкилотларнинг қонунга зид бўлмаган ишларига аралашмайди.
- 3) Диний ташкилотлар давлат вазифаларини бажармайди.
- 4) Давлат диний ташкилотлар фаолиятини, айни вактда, атеистик тарғибот фаолиятини маблағ билан таъминламайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан:

61-модда. Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда Қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди.

<sup>3</sup> Сакрал

Мазкур моддада «давлат ўз ишини қилсин, дин ўз ишини» (И.Каримов) қоидаси мужассам этилган. Агар давлат диний арбоблар ёки диний ташкилотларга бирор бир вазифа юклаб, уни бажаришни талаб қилганда эди, у ҳолда у дин ишларига аралашган бўларди. Аммо давлат диний ташкилотларнинг ўз маблағини, мулкини ҳимоя қилиш, уларнинг ибодатхоналарини (масжид, черков, сенагог) қўриқлаш, ибодатларни адо этиш, тартиб-интизомни сақлашда диний ташкилотларга қонун асосда кўмаклашади. Айни вақтда, диндорлар ва улар жамоаларининг қонунга зид фаолияти тақиқланади, шунингдек, динга зўрлаб даъват қилиш, ўзини улуғлаб, бошқаларни камситиш, таҳқирлаш, бошқа дин вакилларига зулм ўтказиш ман қилинади. Бундай ҳолларда давлат ушбу жараёнга аралашибга мажбурдир, зеро у барча фуқаролар ҳаётининг осойишталиги, ҳар бир инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиши шарт. Давлат, шунингдек, тарғибот-ташвиқот ишларига маблағ ажратмайди. Аслини олганда, диний тарғибот ҳам, атеистик тарғибот ҳам ҳаддан ошса, ножоиз ҳаракатдир. Давлат, шу билан бирга, voyaga етмаган болаларни ота-оналари ва васийлари ихтиёрисиз диний таълимга жалб этишни ман этадики, бу ҳам тўғри йўлдир. Зеро, дин нафақат қалб, балки фикр билан қабул қилинадиган таълимот. Кишиларни муайян ёшга этиб, саводи чиққандан кейин маърифий маънода диний таълимотдан хабардор этиш ўринли ва фойдалидир.

Шунда ҳам у ихтиёрий бўлиши жоиз. Зўрлаб диний таълим беришга уринишлар фожеали оқибатларга олиб келади. Умуман, диний адабиётларни мутолаа қилиш ҳам ҳар бир кишининг ихтиёрий иши, буни зўрлаб амалга ошириш қонунга ҳам, ҳаёт ҳақиқатига ҳам тўғри келмайди.

### 3. Диний конфессиялар

Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли фундаментал тадқиқотида, жумладан, бундай дейиллади:

«Ҳозирги кунда Республикада 16 диний конфессия уюшмалари фаолият юритмоқда. Уларнинг бир қисми Ўзбекистон учун ноанъанавийдир. Давлат улар билан ўзаро муносабатда, ўз дунёвий хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, қуидаги тамойилларга амал қилмоқда:

- диндорларнинг диний туйғуларини хурмат қилиш;
- диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;
- диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини teng кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;

-маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўлларини излаш зарурати;

-диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш»<sup>4</sup>.

Шу боис Ўзбекистонда эътиқод эркинлиги тўлиқ амал қилмоқда, кишиларнинг диний туйғулари хурмат қилиниб, диний ташкилотлар фаолиятига шарт-шароит яратиб

<sup>4</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т: Ўзбекистон, 1997, 43-44 бетлар.

беришдан ташқари уларни таъқиб этиш, маросимларни ўтказишга тўсқинлик қилишга йўл қўйилмайди. Қолаверса, бу қонуний кафолатлар фуқаролик ва сиёсий хукуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 18-моддасига мувофиқ келади. Бу моддада ҳар бир инсоннинг эркин фикрлаш, виждон ва дин эркинлигига бўлган хукукини мустаҳкамлаб қўйишдан ташқари, яна бундай дейилади: «Дин ёки эътиқодга сифиниш эрки фақат қонун билан белгиланган ва жамоат хавфсизлигини, тартибини, саломатлиги ва ахлоқини сақлаш учун, шунингдек, бошқа шахсларнинг асосий хукуклари ва эркини муҳофаза этиш учун зарур бўлган чеклашлар билангина дахл қилиш мумкин»<sup>5</sup>.

Маълум бўладики, Ўзбекистонда давлат ва дин ўртасидаги муносабатлар халқаро тамойиллар ва инсон хукуклари тўғрисидаги Декларация талабларига тўлиқ мос келади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва бошқа қонун хужжатларида белгиланган қоидалар ҳам бунга далилдир.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар, тенг хукуқлигини ҳамма ерда: ишга қабул қилиш, ўқишига кириш, имтиёзлардан фойдаланишида тўлиқ риоя қилинади, бирор бир расмий ҳужжатда фуқаронинг динга муносабатини кўрсатишга йўл қўйилмайди. Ҳеч кимнинг хукуки динга муносабатига қараб чекланмайди. Бу қоида «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги (янги таҳрир) Қонуннинг 4-моддасида белгилаб қўйилган.

Ўзбекистонда бир неча минг масжид, черков ва бошқа диний ибодатгоҳлар фаолият юритмоқда. Ҳар йили бир неча минг киши муқаддас шаҳарлар - Макка ва Мадинага ҳаж сафарига бориб қайтмоқда. Бу сафарларни ташкил этиш, ҳожиларнинг ҳаж амалини адо этиб эсон-омон ватанига қайтишни таъминлаш давлат зиммасидадир.

Мустақиллик қўлга киритилгандан кейин диний байрамлар – Рамазон ва Қурбон ҳайитлари кенг миқёсда мунтазам нишонланиб келмоқда. Давлат қўмаги билан қадимий обидалар, қадамжолар обод қилиниб, зиёратгоҳ жойларга айлантирилди.

Буларнинг ҳаммаси, маърифий-маданий ишларда диний қадриятларни истифода этиш, дин фалсафасини чуқур ўрганиб, эзгу хулқ, эзгу сўз ва эзгу амал учун интилиш, ёш авлодга ислом ва унинг негизида шаклланган маънавиятни шу тарзда ўзлаштиришни ўргатиш зарурлигини тақозо этади.

---

<sup>5</sup> Ўша асар. –Б. 44.

## **2-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ КОНФЕССИЯЛАР ФАОЛИЯТИ ВА ДИНИЙ БАҒРИЕНГЛИК**

### **РЕЖА:**

- 1. Диний конфессиялар фаолияти**
- 2. Католицизм мазмун-моҳияти.**
- 3. Маърифат ва маънавият: диний бағриенглик пойдевори**

**Таянч иборалар:** конфессия, толерантлик, бағриенглик, адён, умам, радд.

### **1. Диний конфессиялар фаолияти**

Виждан эркинлигининг қонун асосида мустаҳкамланганлиги фуқаролик жамиятининг муҳим талаби экан, демак турли динга эътиқод қўйган одамларнинг баҳамжиҳат яшashi, биргаликда меҳнат қилиши, бирбирига халақит бермай, ўзаро ҳурмат-эҳтиромда бўлиши шу жамиятнинг хусусиятига айланиши керак. Бунда фуқаролик туйғуси барча қолган туйғулардан баланд бўлиб, у аҳолининг турли-туман қатламлари, турли қарашдаги кишиларни бирлаштиради. Бошқача айтганда, давлатнинг демократия тамойилларга асосланганлиги, дунёвийлиги диний бағриенглик (толерантлик) учун имконият яратади, динлараро сабртоқатлилик, баҳамжиҳатлик учун шарт-шароит вужудга келтиради. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласида таъкидланишича, “Динлараро бағриенглик хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади”<sup>6</sup>.

Бу ҳол диний бағриенглик миллий истиқлол ғоясининг асосий тамойилларидан бири эканини англашади. Шўролар тузуми даврида ҳам “виждон” эркинлиги ҳақида гапирилар, ҳатто собиқ иттифоқ Конституциясида алоҳида модда билан белгилаб қўйилган эди. Аммо тоталитар мафкура ҳеч қандай эркинликни тан олмагани боис зўр бериб атеистик тарғибот олиб борилар, диндорларнинг ўз ибодат маросимларини ўтказишга турли йўллар билан тўсқинлик қилинар, таъқиб-тазиқ авжида эди.

<sup>6</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: Ўзбекистон, 2000. –Б. 60.

Ўзбекистон истиқолга эришгач, бу ҳаракатга барҳам берилди, барча дин вакиллари ўзлари хоҳлаганча тоат-ибодатларини эмин-эркин адо этиш имконига эга бўлди. Айни вақтда динлараро низолар, бир-бирини камситиш, тарафкашлик, мутассибларча мазҳабпаратликка ҳам йўл қўйилмайди. Шу боис Ватанимизда турли диний конфесиялар бемалол фаолият олиб бормоқда. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ўн олтида диний конфесия фаолият юритмоқда. Жами 2203 та диний ташкилот, жумладан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Рус православ черковининг Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси, Евангел христиан баптистлар черковлари иттифоқи, Рим католик черкови, Тўлиқ инжил христианлар маркази, Ўзбекистон Библия жамияти, 1906 та масjid, 163 та христиан черкови, 8 та яхудийлар жамоаси, 6 та баҳойилар жамоаси, 1 та Кришнани англаш жамияти ва 12 та диний ўқув юрти (1 та ислом маҳади, 10 та мадраса, 1 та православ ва 1 та тўлиқ Инжил христианлари семинарияси) давлат рўйхатидан ўтган.

Динлараро бағрикенглик билан бирга, ҳар бир дин ичидағи оқим ва мазҳаблар орасидаги бағрикенглик ҳам муҳим аҳамиятга эга.

“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги (янги таҳрир) Қонуннинг бешинчи моддасида диний конфесиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувлик қўллаб-қувватланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасида дин давлатдан ажратилган. Ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларига нисбатан бирон бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмайди.

Давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро муроса ва хурмат ўрнатилишига қўмаклашади, диний ва ўзга мутаассибларка ҳамда экстремизмга, муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфесиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўйлмайди.

Давлат диний конфесиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлайди. Бир диний конфесиядаги диндорларни бошқасига киритишига қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек, бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади. Ушбу қоиданинг бузилишига айбор шахслар қонун хужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

Чунки жаҳон динлари ичидаги кўплаб оқимлар, йўналишлар бор. Масалан, исломнинг ўзида 73 та ҳар хил мазҳаб ва оқимлар фаолият юритади. Чунончи, суннийлик, шиалик, рофизия, исмоилия, жабария, хорижия, қадария, жаҳимия, муржия ва ҳоказо. Булар орасида, айниқса, сунний мазҳабдаги кишилар кўпчиликни ташкил этади. Жумладан, Ўзбекистон мусулмонларининг аксарият қисми “аҳли сунна ва жамоа” мазҳабига мансуб. Ироқ, Эрон, Иордания, қисман Марказий Осиё мамлакатларида суннийлар билан бирга, шиалар ҳам истиқомат қилади. Бу икки оқим тарафдорлари орасида тарихда бир неча бор қонли тўқнашувлар бўлган. Аммо бу низолар замирида сиёсий мақсадлар, таҳт талашиш ва ермулкка эгалик қилиш иддаолари ётганини унутмаслик керак.

Суннийлар пайғамбаримиз Мұхаммад (с.а.в.) суннати, ислом шариати талабларини бажарувчи кишилардир. Улар Пайғамбар (с.а.в.)дан кейин хукмронлик қилған халифалар Абубакр, Умар, Усмон ва Алини бирдек тан олади, уларни пайғамбарнинг “чор ёри”, “хулафои рошидин” (тўғри йўлдан юрган ўринбосарлар) деб эъзозлайди. Аммо шиалар пайғамбардан кейин келган уч халифа – Абубакр, Умар ва Усмонни тан олмайди. Уларнинг фикрича, халифа пайғамбар хонадонидан, яъни Ҳазрат Али бўлиши керак эди, чунки у Мұхаммадга (с.а.в) ҳам куёв, ҳам амакивачча эди. Шунга кўра, шиалар Али тарафдорлари сифатида майдонга чиқади. Алининг тахтдан маҳрум қилиниши, кейин ўлдирилиши, унинг икки ўғли И мом Ҳасан ва И мом Ҳусайннинг Карбало урушида қатл этилиши Али тарафдорларини ғазаблантиради. Улар тахтни эгаллаган Уммавийларга (суннийлар) қарши бир неча бор урушиб қўрган бўлса-да, аммо натижага эриша олмаган. Кейинчалик шиаларнинг (шиа – гурӯҳ, партия дегани) мазҳаби турли оқимларга бўлиниб кетади.

Суннийлар ҳам фиқҳий-шаръий масалалар ечими юзасидан тўртта имом - И мом Абу Ҳанифа (699-767), И мом Молик ибн Анас (713-795), И мом Аҳмад ибн Ҳанбал (780-855), И мом Мұхаммад Шофеъийга эргашади (ваф. 820). Ўзбекистонда И мом Абу Ҳанифа (И моми Аъзам) асослаган ҳанафия мазҳаби кенг тарқалган. Аммо юртимизда бошқа мазҳабларга эргашувчилар, шунингдек, оз сонли бўлса-да, шиалар ҳам яшаб келади.

Христианлик ҳам ўз тараққиёти даврида католийлик, православие, протестантизм йўналишларига, шунингдек, баптистлар адвентистлар, иеговистлар каби оқимларга, ҳамда молоканлик, староверлик (эски удумчилик), духоборлар, мормонлар сингари мазҳаб ва фирмаларга бўлиниб кетган.

Христианликнинг йўналишларидан биринчиси католийлик (католицизм) (юонча маъноси – “умумжахон”, “умумий”, “асосий”) христианликда православие ва протестантизм каби кенг тарқалган асосий йўналишлардан биридир.

Православие бу диндаги уч асосий мазҳабдан иккинчиси.

Ғарбий Рим империяси қулаганидан кейин 1054 йилда христиан дини икки асосий черковга - католик (ғарбий) черковига ва православие (шарқий) черковига бўлиниб кетади. Православие дастлаб Византия империясининг давлат дини бўлган. Константинополь патриархи Рим папасидан ўrnak олиб, бутун православие черковининг раҳбари бўлиб олиш учун курашган. Православие черковидан бири бўлган Русь черкови дастлабки вақтларда Константинополь патриархи томонидан тайинланган. Аммо 1598 йилда Русь митрополитлиги Русь патриархлигига айлантирилган. Москва ва Бутун Русь патриархи деган унвон берилиб, Русь черкови Константинополь черкови билан тенглаштирилган.

Христианликдаги уч асосий мазҳаблардан яна бири протестантизм XVI асрда пайдо бўлган.

1526 йилда Шпейер рейхстаги немис лютеранчи (Лютер-протестантизм

назариётчиси) князлари талаби билан ҳар бир немис князи ўзи ва фуқароси учун хоҳлаган динни танлаш ҳуқуқига эга экани тўғрисида қарор қабул қиласди. Аммо 1529 йилда II Шпейер рейхстаги бу қарорни бекор қиласди. Бунга қарши империянинг бир қанча шаҳарлари ва беш нафар князъ “протест” - норозилик билдиради. “Протестантизм” атамаси шу сўздан келиб чиқсан.

Протестантизм христианликни анча енгиллаштирилган кўринишидир, чунки унда бир қанча расм-руsumлар бекор қилиниб, диндорга эркин ибодат қилиш ҳуқуки берилган.

Баптизм (юнон. “сув билан чўқинтириш”) – протестантликнинг муҳим оқимларидан бири бўлиб, дастлаб англикан черкови таъқибидан Голландияга қочиб борган инглиз муҳожирлари орасида 1609 йилда Голландияда вужудга келган. Баптизм 1612 йилда Англияда, 1639 йилда Шимолий Америкада пайдо бўлди. 1611 йилда – Амстердам ва Голландияда яшаб турган инглизларнинг диний баённомасида ана шу янги таълимот таърифлаб берилган.

**Староверлар, старообрядчество** (эски удумлар, эски диний удум, маросим ва урф-одатларга амал қилувчилар) – Рус православ черковининг 17-асрнинг иккинчи ярмида патриарх Никон ўтказган черков ислоҳотини қабул қилишдан бош тортган диний оқим вакиллари.

XIX асрнинг 70-йиллари Ўрта Осиё минтақасига, православие билан бир қаторда, бошқа оқимларнинг тарафдорлари ҳам кириб кела бошлади. Улар ортидан турли секталарга мансуб диндорлар, масалан, баптистлар, адвентистлар, католиклар ва бошқалар ҳам пайдо бўлди. 1879 йил 27 марта Россия императорининг маҳсус қонуни эълон қилингач, бу жараён янада фаоллашади. Россия армияси томонидан Биринчи жаҳон урушида асир олинган немис, поляк, эстон, швед, литвалик, латиш ва бошқа Ғарбий европалик аскарларнинг Туркистон ўлкасига сургун қилиниши улар эътиқод қиласиган дин ёки оқимнинг кириб келишига сабаб бўлди. Бу, ўз навбатида, европалик асирлар орасида диний жамоалар тузиш ҳамда черковлар пайдо бўлишига олиб келди. Хорижликларнинг бундай фаолияти асримизнинг таҳминан 20-30-йилларига қадар давом этди. XX аср бошларига келиб Туркистон генерал-губернаторлигига 6,03 миллион мусулмонга 391 минг православ ёки 5340 масжидга 306 черков тўғри келган. Бундан ташқари, эътиқод жиҳатидан 10,1 минг православ оқимига мансуб старообрядчилар, 8,2 минг лютеранлар, 7,8 минг католиклар, 26 минг яхудий динига ва 17,1 мингта яқин бошқа оқимларга мансуб диндорлар бўлган.

Православ йўналиши Ўзбекистон худудига Россия орқали кириб келган. 1871 йил 4 майда Россия императори томонидан Тошкентда Туркистон (ҳозирги вақтда Ўрта Осиё ва Тошкент) епархиясини очиш тўғрисида қарор қабул қиласиган.

## 2. Католицизм мазмун-моҳияти.

Христианликнинг Ўзбекистонда тарқалган оқимларидан бири католицизмдир. Айрим маълумотларга кўра, XIX аср охирларида Тошкентда 2300га яқин католик истиқомат қиласган. Ўша вақтда рим католиклари жамоаларига Юстин Пранайтис раҳбарлик қиласган. Тошкентда биринчи католик черкови 1917 йилда қуриб битказилган. Ҳозирги вақтда бу бино

тариҳий обида сифатида қайта таъмирланди.

Ватикан давлати Ўзбекистоннинг мустақиллигини 1992 йил 1 февралда тан олиб, шу йилнинг 17 октябр куни дипломатик алоқалар ўрнатди. 1994 йил 31 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ватикан давлатининг нунций элчиси Мариан Олесдан Иоанн-Павел Иккинчининг ишонч ёрлигини қабул қилди. Шундан сўнг Ватиканнинг Тошкентдаги элчихонаси расман ўз ишини бошлади. М.Олеснинг қароргоҳи Қозогистоннинг собиқ пойтахти Алматида бўлгани сабабли Тошкентдаги элчихона раҳбарлигини ҳозирги вақтга қадар К.Кукулка бажариб келмокда.

Юртимизда фаолият олиб бораётган Арман апостол черкови энг қадими христиан черковларидан бири бўлиб, унинг «Эчмиадзин» журнали ҳамда маҳсус диний ўқув юрти мавжуд. Киликия католикосати, Қуддус ва Константинополь патриархатликлари, АҚШ, Жанубий Америка, Европа, Яқин, Ўрта ва Узок Шарқдаги епархия бошқармалари Эчмиадзин католикосатига бўйсунади.

Кейинги ўн йилликда маҳаллий корейс миллатига мансуб шахслар орасида протестантизм йўналишига қизиқиш ортди. Бунга, бир томондан корейсларнинг ўз қариндош-уруғлари билан дийдор кўришиш ва бошқа мақсадларда Жанубий Корея, АҚШ ва бошқа ривожланган давлатларга бориб келиши омил бўлди. Хорижда улар маълум бир диний оқим таъсирига тушиб, Ўзбекистондаги яқинларига ҳам мазкур оқим таълимотларини тарғиб қила бошлади. Шунингдек, Жанубий Корея ва АҚШлик корейс миллатига мансуб кишилар ҳам катта моддий маблағга эга бўлган протестантизм йўналиши марказлари ҳисобига маҳаллий корейс миллати вакиллари орасида миссионерлик фаолиятини олиб бормоқда.

Ўзбекистондаги корейс протестант черковларининг деярли барчасини пятидесятниклик йўналишидагилар ташкил этади. Ибодат тарзлари протестантизмдаги йўналишларда бажариладиган амаллар кабидир.

Ўзбекистонда фаолият қўрсатаётган Тўлиқ Инжил христианларининг (пятидесятниклик) илк жамоалари XX аср 20-йиллари охирида Тошкент шаҳрида тузилди.

Евангелчи-лютеранлар Ўзбекистон худудида 1877 йилдан буён фаолият юритиб, 1884 йилдан ибодатларини расман амалга ошириб келган. 1890 йилда меъмор А.Л.Бенуа раҳбарлигига бошланган черков қурилиши 1896 йилнинг декабрь ойига келиб ниҳояланди.

Ўзбекистонда яна бир черков Новоапостоллик черкови бўлиб, у христиан динининг протестантлик йўналишига мансуб оқимдир. Новоапостол черкови Ўзбекистондаги фаолиятини 1992 йилдан бошлаб, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Навоий шаҳарларида рўйхатдан ўтган. Ўзбекистондаги Новоапостол черковлари Берлин-Бранденбург округи тасарруфидадир. Унинг апостол-президенти Фриц Шредер.

Ўзбекистонда «Иегова шоҳидлари» протестант йўналишидаги диний ташкилот ҳам фаолият юритмоқда. Мазкур диний сектага 1870 йилда америкалик ишбилармон Ч.Т.Рассель асос солган. Сектанинг маркази Бруклин

шахрида жойлашган ва 15 аъзодан иборат бўлган «Раҳбар корпорация»га бўйсунади.

Айрим манбалар Ўрта Осиёда Иегова шоҳидларининг XX асрнинг 40-йилларида пайдо бўлгани ҳақида маълумот беради. Ўша даврда улар ўзларини «каналистлар» деб атаб келган.

Староверлар икки асосий йўналишга: **попчилик** ва **попчилик** мухолифларига бўлинади. Уларнинг ҳар бири яна кўргина оқимлар, секталар ва уюшмалардан таркиб топган.

**Духоборлар** (духоборы, духоборцы) – рухга эътиқод қилувчи христианлар, рух учун курашувчилар – эски рус сектантчилиги йўналишларидан бири.

**Адвентислар** (лотинча: воқеа бўлиш) – протестантизм оқимларидан бири сифатида, 19-асрнинг бошларида АҚШда вужудга келган. Асосчиси Уильям Миллер (1782-1849).

**Иегова шоҳидлари** – христианликнинг протестант йўналишидаги диний ташкилот аъзолари. 1931 йилдан унга “Иегова шоҳидлари ташкилоти” деган расмий ном берилган. Ташкилотга Бруклин маркази раҳбарлик қиласи.

Шу тариқа, турли дин ва мазҳабларга эътиқод қилувчи, турли миллатга мансуб аҳоли Ўзбекистонда биргаликда яшаб, Ватан озодлиги, тараққиёти ва ободлиги учун ижод ва яратувчи меҳнат билан бандлар. Улар орасида чуқур низоларга олиб келиши мумкин бўлган тортишувлар, тарафкашлик ҳолларини кўрмаймиз. Аксинча, турли дин арбобларининг ўзаро мулоқоти, учрашувлари, ҳаммаси учун умумий бўлган масалаларни мухокама этишда иштирок этиш динлараро ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қиласи. Бу, бир жиҳатдан, давлатимизнинг одилона, тинчликсевар сиёсатининг натижаси бўлса, иккинчи тарафдан, ҳалқимизнинг олижаноблиги, табиатан бағрикенглиги туфайли юзага келган ижобий ҳодисадир.

Сирасини айтганда, ислом динининг мазмун-моҳиятида бағрикенглик ғояси ётади. Бир томондан, соф ислом шариатига тобеълик, мусулмонлик ақидаларини мустаҳкам тутишга чақирилса, иккинчи томондан, ўзга дин кишиларига нисбатан бадниятда бўлмаслик, уларнинг эътиқодини ҳурмат қилиш, улар мол-мулки, саломатлигига тажовуз қилмаслик ҳақида Қуръон ва Ҳадиси шарифда кўплаб ўгитлар бор. Маълумки, исломда “аҳли китоб” деган тушунча бор. Бу яҳудийлар ва насронийларга нисбатан айтиладиган сўз. Яъни яҳудийлар ва насронийлар осмоний китоблар ҳисобланган Таврот, Забур ва Инжил эгасидирлар. Бу ҳақда Қуръонда кўп оятлар келтирилган. Чунончи, “Бақара” сурасининг 109-оятидан 151-оятигача яҳудийлар ва насронийлар ҳақида сўз боради. Аллоҳ таоло уларнинг манманлиги, ўз динларини афзал деб билиб, исломни тан олмаганларини мазаммат этади. Агар бу оятлар маъносини чуқур мулоҳаза этсак, гап Таврот ёки Инжилнинг нотўғрилиги ёки ислоҳга муҳтоҷлиги ҳақида эмас, балки улар билан бирга янги ҳақ дин – ислом зуҳур этиши ва бу динни, унинг Пайғамбарини тан олиш тўғрисида боради. Зоро, Аллоҳ - ягона, у ҳаммага баробар. Бинобарин, “Машриқ ҳам, Мағриб ҳам Аллоҳникидир. Бас, қайси тарафга юзингизни қаратсангиз, ўша томонда аллоҳнинг “юзи” мавжуддир. Албатта Аллоҳнинг фазли кенг, доно зотдир”

(Абдулазиз Мансур таржимаси, 115-оят). Одамлар қавмлар, миллатлар мазҳабларга ажратилган бўлсалар-да, аммо уларнинг ҳаммасини ҳам Аллоҳ яратган, Аллоҳнинг бандалариidlар ва албатта Аллоҳга қайтурлар. Шунинг учун тарафкашлик, айирмачилик эмас, Аллоҳ йўлида бирлашиш – энг мақбул ва энг тўғри йўлдир. Мана бу ояти каримага эътибор қилинг: “Яхудийлар: “Насронийлар ҳеч нарсада йўқ” десалар, насронийлар: “Яхудийлар ҳеч нарсада йўқ” дейдилар (изоҳ: яъни ҳар икки томон бир-бирининг динини инкор этади), ваҳоланки, улар (ҳар икки тоифа) китоб ўқийдиган (саводхон) эди. Шунингдек, ўқишни билмайдиганлар уларнинг гапига ўхшаш гапни айтадилар. Уларнинг (бу каби) келиша олмаган нарсалари хусусида қиёмат куни Аллоҳ ҳукм қилур” (ўша таржима, 2-113).

Диндорларнинг беҳуда, асоссиз тарафкашлиги, бир-бирини камситиши Куръонда мана шундай танқид қилинган. Бу оятда қўйидаги маънолар мужассам: 1) яхудийлар ва насронийлар бир-бирининг динини кўр-кўрона инкор этмоқда; 2) бу билан бир-бирини таҳқирламоқда; 3) ҳолбуки, улар орасида саводхон, китоб ўқий оладиган, Таврот ва Инжилдан хабардор одамлар бор; 4) осмоний китобларнинг борлигини била туриб, нега улар бир-бирининг динини инкор этади? 5) саводхонлар шундай қилгандан кейин, табиийки, саводи йўқлар уларга эргашиб гапларини қайтаради; 6) натижада жаҳолат, ноҳақлик оқибатида қавмлар, халқлар орасида адоватга кучаяди.

Аллоҳ таоло ўз бандаларини ана шундай адоватдан огоҳлантиради, ақлсизларча тортишувлар гирдобига тушишдан асрайди.

Исломда эса, юқорида айтганимиздек, Таврот, Забур, Инжил осмоний китоблар сифатида эътироф этилишидан ташқари, улардаги қатор тарихий ҳисса ва ривоятлар Куръонда ҳам тилга олинади.

Пайғамбаримиз Мұхаммад (с.а.в.) ислом дини ғалабаси учун курашган ва бунга раҳнамолик қилган инсон. Аммо ул зот ҳеч қачон ўзга дин кишиларини таҳқирлаган эмаслар. Аксинча, турли эътиқоддаги барча одамлар билан хушмуомалада бўлиб, саҳобалардан ҳам шуни талаб қилганлар. Масалан, саҳоба Усомадан (р.а.) шундай ривоят қилинади: “Расули акрам (с.а.в.) бир кун бир мажлис (ўтирган) жамоа қошидин ўтдиларки, анда ҳар қисм одамлар, яъни мусулмонлар ва мушриклар ва бутпарастлар ва яхудлар бор эрдилар. Жаноб пайғамбар аларға салом бердилар”<sup>7</sup>.

Шу боис ислом ғалаба қилгандан кейин ҳам мусулмон мамлакатларида турли дин вакиллари истиқомат қилиб келган, улар савдо-сотик, ҳунармандчилик, меъморчилик билан шуғулланган, ҳар бир диннинг ўз ибодатхонаси бўлган, диний маросимларни ўтказишга халақит берилмаган. Христианлар, яхудийлар орасидан ислом маданиятига ҳисса қўшган олимлар, табиблар, таржимонлар етишиб чиққан (чунончи, машҳур файласуф Монсе бен Майманид каби). Мусулмонлар орасида эса Таврот ва Инжилни ўрганган кишилар кўп бўлган. Масалан 12-асрда яшаган суфий Абу Адён (динларнинг отаси демак) бир неча динни ўрганиб, турли дин вакиллари билан мунозара

<sup>7</sup> Мухиддин аби Зикриё Яхё ибн Шариф ан Навоий. Риёзус Солихин Сайид Тарозий таржимаси, 2-жузв. –Б. 319.

қиласар экан<sup>8</sup>. Бағдод халифаси Ал-Маъмун ал-Мұтасим ҳузурида мусулмон уламолари билан бирга зардустий, насроний рухонийлар сұхбатларда иштирок этган. Бу тажрибани Мирзо Бобурнинг невараси Ақбар (XVI а.) Ҳиндистонда давом эттириб, ажайиб натижаларга эришгани маълум.

Айниқса, ориф сўфийлар зоҳирий расм-русумларга салбий муносабатда бўлгани учун динларнинг умуминсоний моҳияти, инсонийликни биринчи ўринга қўйган ва динлараро бағрикенгликнинг амалдаги тарғиботчиларига айланган. Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Имомиддин Насимий, Юнус Эмро, Бобораҳим Машраб диний, ирқий, миллий айирмачиликдан ўзларини юқори тутган. Улар учун Аллоҳга бўлган мұхабbat ҳамма нарсадан устун, мазҳаблар, динларнинг ҳар бири Худога олиб борадиган бир йўл эди. Илоҳий моҳиятни англаган одам оламни ягоналиқда тасаввур этади ва унинг Ягона ижодкори Парвардигорга интилади. Мавлоно Румий фикрича, дунё динлари моҳиятан бирдир. Чунки уларнинг ҳаммасида ҳам тавҳид ғояси мавжуд. Барчасида Ҳаллоқи оламга сифиниш, ҳам айтиш, ундан мадад сўраш, муножот қилиш бор. Масалан, унинг “Ичингдаги ичингдадир” асарида бундай ҳикоя бор: “Бир кун бир йифинда вазъ ўқиларди. Мусулмону коғир ҳамма йиғлар, турли аҳволга тушарди. Биров: “Коғирлар нега йиғлашади, устига устак, тилни билишмайди. Мусулмонларнинг ҳам мингдан бири аранг тушунгандан улар нимани англаяптики, бу қадар йиғлаб сиқташади?” деди. Мавлоно буюрадики, “сўзнинг ўзини тушунишга ҳожат йўқ. Улар моҳиятни-мақсадни англашмоқда. Улар ҳам Аллоҳнинг бирлигини эътироф этишади. Унинг Яратувчи, Раззок, ҳамма нарсани ўз тасарруфида тутувчи эканини, нихоят, ҳамма унга қайтажагини, авфу жазо ундан бўлажагини англашади” (“Ичингдаги ичингдадир”, F.Ғулом нашр., 1995, 17-б.).

Румий Кўняда кўпгина насронийлар билан дўстлашган эди, улар орасида рухонийлар ҳам бўлган. Бир сафарда Румийга қора либос кийган христиан рухонийлари ҳамроҳ бўлади. Айрим мусулмонлар уларга қараб: “Бу қадар қопқора кийган булар, дилингни сиёҳ қилади” деганда, Румий уларни жеркиб: “Сизлар қаердан биласизлар, бу одамлардай сахий ва раҳмдил одамлар дунёда кам топилади” дейди (Абдулбоки Гулпинарли. Мавлоно Жалолиддин. Техрон нашри, 333-б.).

Мавлононинг уйига бир печкачи уста келиб ишлаганда, муридлар уни ўртага олиб: “Мусулмон бўлсанг бўлмайдими, ислом дини афзал” дея ташвиқ этаётганди, Мавлоно дейди: “Имоннинг боши Худодан қўрқишидир, бу одам Худодан қўрқар экан, демак у мусулмондир, агарчи тарсо бўлса ҳам” (ўша китоб, 334-б.).

Мавлоно Румий насроний дўстлари, ихлосмандлари уйига борар, таомларидан тановул қиласар, улар касал бўлса ҳол сўрарди. Улар ҳам Мавлоно ҳузурига ташриф буюради. Мавлоно вафот этганда мусулмонлар билан бирга юзлаб насронийлар ва бошқа дин вакиллари таъзиясида иштирок этган (ўша китоб, 334-335-б.).

Умуминсоний ғоялар Таврот ва Инжилда ҳам ўз ифодасини топган,

<sup>8</sup> Абдураҳмон Жомий. Нафаҳотул унс. Тошкент, 1913. –Б. 208.

уларда ҳам ҳаётай ўгит сифатида хизмат қиласиган гаплар ёзилган.

Шундай экан, ҳеч бир дин, конфессия ўртасида сунъий тўсиқ ўрнатиш ва Инжилни мусулмонлар, Қуръонни насронийлар ўрганиши – оғир гуноҳ, деб қатъий даъво қилиш мантиққа тўғри келмайди. Кўпинча, ҳаётда унинг тескарисига дуч келамиз. Таврот ҳам, Инжил ҳам, Қуръони Карим каби, Аллоҳ томонидан нозил қилинганини унутиб қўямиз. Шуни ёддан чиқармаслигимиз лозимки, ҳамма динлар биргаликда яхлит тирик организмни эслатади ва уларнинг барчасида **умуминсоний қадриятлар** – одамларни инсофли, баҳтсаодатли, камтар, диёнатли, олижаноб, эзгу амаллар соҳибига айлантириш васф этилади.

Олампаноҳ Тангirimiz табиат ҳодисалари ўртасида ўзаро боғлиқликни ўрнатди. Ёруғликдан зулматни ажратди. Тупроқ ва сувни яратди. Осмон ва Ерни яратган ҳам ўша Зот. Бири тун, иккинчиси кунни бошқарсин учун иккита улуғвор ёритқич – қуёш билан ойни яратди. Судралиб юрувчилар, балиқлар, ҳайвонлар, қушлар ва инсонни яратди. Инсон ва табиат ҳамда одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрнатди. Масала шу йўсинда қўриладиган ҳолатларда барча умуминсоний маънавий қадриятларнинг яхлитлигини унутмаслик лозим.

Тавротнинг (ёки Эски Аҳд, рус тилида *Tora*) энг қадимги (милоддан аввалги 11 - 6-асрлар) муқаддас китобларидан бўлган Товит китобида юқорида келтирилган ҳикматнинг бир варианти бор: «*Нимани ўзинг ёмон кўрсанг, ўшани бошқаларга ҳам тилама*» [11, 3:15]. Тиллардан тилларга ўгирилиб, оғиздан оғизга ўтиб юрган умуминсоний ҳикматлардан энг муҳими бу. Ҳозир уни ўша қадимги яхудий қабилалари ёки бир оз кейинги насронийлар ҳикмат хазинасигагина мансуб дейиш мантиқдан эмас.

Таврот ҳам Аллоҳ таоло ҳикматининг маҳсули. Фарқ шундаки, Қуръони Карим Унинг расули Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)га ваҳий қилинган бўлса, Таврот Парвардигоримиздан яхудо динининг асосчиси Мусо алайхиссаломга, Янги аҳд эса насронийлар динининг асосчиси Исо Масиҳга нозил қилинган. Бу ҳақда Яратганнинг ўзи «Бақара» сурасининг 87-оятида шундай дейди: «*ҳақиқатан, биз Мусога китоб (Таврот)ни бериб, унинг ортидан (бир неча) пайғамбарлар юбордик. Исо ибн Марямга* (насронийлар уни Аллоҳнинг ўғли деб унга худо сифатида сиғинадилар. – муал.) ҳам ҳужжатларни бердик....». Забур (рус тилида  *псалтирь*), диний манбаларда таъкидланишича, Аллоҳ томонидан милоддан аввалги XI асрда яшаган Довуд алайхиссаломга берилган. Бу ҳақда ҳам «Бақара» сурасининг 251-оятида айтилишича, «*Аллоҳ унга (Довудга) подиоҳлик ва пайғамбарлик ҳамда ўзи хоҳлаган нарсаларни ўргатди*». Довуд а.с.нинг ўғли Сулаймон алайхиссалом унга нозил қилинган ва Эски Аҳддан жой олган «Сулаймон (а.с.) ҳикматлар китоби» ва «Сулаймон қўшиқлари» билан машҳур. Бу ерда номлари зикр этилган қадимги манбалар, улардаги ғоя ва ривоятлар маълум даражада Қуръони Каримда ҳам акс этган.

Шунга асосан қайд этиш лозимки, масалан, мусулмонлар Эски ва Янги Аҳдларни ўқиганларида уларга нисбатан зиёлилик нуқтаи назаридан ҳурмат билан ёндашмоғи лозим. Чунки бу муқаддас китоблардаги ҳикмат дурдоналари уларга сидки дилдан амал қилаётган шахсни ҳар томонлама

камол топдиришдай шарафли ишга ундаиди. Шуни эътибордан соқит қилмаслигимиз керак: бу китобларнинг барчасида, энг аввало, илохий, қолаверса, энг оддий, ҳаётий ҳикмат – инсонийлик ва инсон бўлиш ҳақидаги масала очиқ-ойдин тавсифланган.

Шуни ҳам айтиш жоизки, диний бағрикенглик миллатлараро дўстлик, маданиятлараро мулоқотликка ҳам ёрдам беради. Чунки дин миллий урф-одатларга таъсир ўtkазиб келгани боис баъзан миллийлик билан динийликни бир-биридан ажратиш қийин. Шунингдек адабиёт ва санъатнинг асрлар давомида диний асотирлар, ғоялар, тушунчалар билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланганини эътиборга олиш лозим. Масалан, ўрта аср Европа тасвирий санъатида асосан Таврот ва Инжил сюжетлари акс эттирилган ёки бизнинг миннатюра санъатимиз сўфиёна ақида ва тушунчаларни ифодалаган.

### **3. Маърифат ва маънавият: диний бағрикенглик пойдевори**

Шунинг учун маданиятлараро мулоқот, ўзаро ҳамкорлик қилиш, идрок ва завқ халқларни бир-бирига яқинлаштирганидан ташқари диний чегараларни ҳам ҳатлаб ўтишга ёрдам беради. Шундай қилиб, диний бағрикенгликнинг пойдевори **маърифат** ва **маънавиятдир**. Маданий, маърифий диндорлик динлараро яқинлашишга йўл очса, жаҳолат таассубга, тарафкашликка тортади. Шу боис ақидапараст экстремистлар айнан маърифатга ва ундан ҳосил бўладиган бағрикенгликка қарши бўлгани бежиз эмас. Маърифий диндор одам фалсафа, тиббиёт, адабиётни севади, тафаккури кенг, нигоҳи очиқ бўлади. Ақидапараст эса фикри тор, зоҳирий нарсаларга ўч, илм-фан ютуқларини ҳазм қилолмайдиган одамдир. Шу боис киши маърифати ортган сари инсоният яратган жамики қадриятларни ҳурмат қиласидиган бўлиб бораверади. Биз ёшларимизни ана шу руҳда тарбиялашимиз лозим. Республикашимиз аҳолисининг миллий қиёфаси фақат Шарқ эмас, балки Ғарб цивилизациясига мос умуминсоний тамойиллар, ислом, христианлик ва бошқа динларга хос эътиқод, анъана ва урф-одатлар, ранг-баранг турмуш тарзидан иборат анъанавий мезонларни ўзида акс эттиради. Бунда юртимизда яшаётган халқларнинг ўтмиши, бугунги ҳаёти, келажак билан боғлиқ орзу-умидлари асрлар оша ёнма-ён яшаш жараёнида шакланган ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, қардошлиқ туйғулари уйғунлашган тарзда намоён бўлади. Бу эса юртимизда осойишталиқ, тинч-тотув турмуш тарзини таъминлашда катта аҳамиятга эга. Умуман олганда, инсоният тобора бирлашиб, ўзаро иқтисодий, ижтимоий-сиёсий масалалар ҳам мураккаблашиб, глобаллашиб бораётган экан, динлараро мулоқот, сабр-тоқат, толерантликни (бағрикенгликни) кучайтириш ҳар жиҳатдан долзарб ва фойдалидир.

#### **Назорат саволлар:**

1. Динларни зоҳирий ўрганиш ҳозир қандай аталади?

2. Шарқ алломаларидан кимларнинг диншуносликка оид асарлари ғарб тилларига таржима қилинган?
  3. Исломдан аввалги араблар қандай илмлар билан шуғулланганлар?
  4. Ал-Бағдодийнинг қандай асарини биласиз?
  5. “Китоб ал-асном” китобининг муаллифи ким?
  6. Динларни ўрганишди тарихий-тавсифий усул нима?
  7. Абу Райхон Берунийнинг қандай асарларини биласиз?

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Куръони карим маъноларининг таржимаси. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. Т., «Тошкент ислом университети» нашриёти, 2001.
2. Абдусамедов А.И. Диншунослик асослари. Т., Ўзбекистон, 1995.
3. Яблоков И.Н. Религия: сущность и явления. М., 1982.
4. Ибн Ҳазм Андалусий «Фасл фил-милал вал-аҳва ван-ниҳал», Қоҳира, Ибн Ҳазм Андалусий «Фасл фил-милал вал-аҳва ван-ниҳал», Қоҳира.
5. Мўминов А.Қ. Диншунослик асосларини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси. Т., Тошкент давлат шарқшунослик институти, 1999.
6. Реадон Б. Бағрикенглик: тинчлик сари олға қадам. Т., 2002.
7. Рудолф У. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. Т., Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001.
8. Беруний, Абу Райхон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Беруний А.Р. Танланган асарлар. I том. Т., 1968.
9. Беруний, Абу Райхон. Қонуни Масъудий // Беруний А.Р. Танланган асарлар. V том. Т., 1973.
10. Беруний, Абу Райхон. Ҳиндистон // Беруний А.Р. Танланган асарлар. II том. Т., 1968.

### **З-МАВЗУ: ИСЛОМ: ҚАДРИЯТЛАР, МАЊНАВИЯТ ВА МАЃРИФАТ**

#### **РЕЖА:**

- Исломий қадриятлар тарғиботи.*
- Политеизмдан монотеизмга ўтиши давридаги араблар мањнавияти*
- Ислом мањнавияти ва маѓрифатининг шахс ва жамият муносабатларига таъсири*

**Таянч иборалар:** қадрият, мањнавият, маѓрифат, ислом мањнавияти.

#### **Исломий қадриятлар тарғиботи.**

Биз юқорида исломнинг вужудга келиши ҳақида батафсил фикр юритиб шу холосага келдикки, бу ҳодиса араб халқлари тарихида ғоят катта ижтимоий, тарихий аҳамиятга эга бўлган. Мавжуд уруғчилик-қабилачилик тузумидан синфий жамиятга ўтилган. Марказлашган халифалик давлати вужудга келган. Натижада халифалик таркибиға кирган юзлаб халқлар ва элатлар араб тили ва ўрта аср араб маданиятини, ислом қадриятларини ёйишга самарали ҳаракат қилган.

Ўрта Осиё халқлари ҳаётига исломнинг кириб келиши билан калом, яъни ислом фалсафасини ва диний талабларни бажаришда араб тили устуворлиги ўрнатилган. Сўнгра фан, адабиёт, фалсафа маданиятининг турларига ҳам араб тилининг таъсири кучли бўлган. Аммо маҳаллий халқлар исломдан анча олдинроқ ўз она тилларида ёзувни, маѓрифату-маданиятни, илм-фанни ривожлантиришга муваффак бўлганлар. Бу жараён кейинчалик исломнинг таъсирида янада ривожлантирилган. Масалан, кишиларнинг турмуш тарзи ислом талабига мослаша борган, урф-одат ва маросимчилик диний тус олган, ёшларга билим бериш учун мактаблар очилган, руҳоний кадрлар тайёрлаш учун кўплаб мадрасалар, қироатхоналар ташкил этилган.

Демак, Ўрта Осиё халқлари ҳаётида илм-маѓрифат ва маданиятнинг ривожланишида исломнинг ижобий рол ўйнаганини эътироф этишимиз лозим. Бу худудда исломнинг халқ ҳаётига кириб келган давридан бошлаб ташкил этилган мактаб, мадраса ва диний дорилфунунлар савдо ва билимга йўл очган. Ўрта асрларда шаклланиб ижод этган саводли киши, олим, шоир, маѓрифатпарвар, мутафаккирларнинг ҳаёти ва фаолиятида исломнинг ижобий роли бор десак хато қилмаймиз.

Ислом Ўрта осиё халқлари турмуш тарзига, маданиятига турли кирраларда ўз таъсирини кўрсатган. Масалан, меъморчилик ёдгорликларини олиб кўрайлик. Мадраса, масжид, мақбара ва бошқалар дин манфаати йўлида қурилган ва унга хизмат қилган. Аммо у иншоатларни халқ қурган, халқ ижодига боғлиқ маданий бойлик эканлигини биламиз. Шунингдек, халқлар орасида шахсий уйларни қуришда уй пештоқларини, устунларини, эшикларини ўймакорлик қилиб ишлаш, ганчлардан турли шакллар ясадб ёпиштириш кабилар ҳам халқ ижодий қадриятларига мансубдир.

Исломга хос маросимлар ва одатлар энг аввало, дин асослари-«аркон-ад-дин» ҳисобланувчи беш асосий амалий ва маросимчилик руқн билан чамбарчас боғлиқдир. Исломнинг бу амалий ва маросимчилик талаблари халқлар турмуш тарзига киритилиб, ўзига хос маънавий маданиятнинг турига, анъанага айлантирилган. Бу руқнларнинг ҳар бирiga қисқа-қисқа изоҳ бериб ўтамиз.

Исломнинг руқнларидан бири-ташаҳхудни-калимаи тойийбани билиш, яъни Аллоҳнинг бирлиги ва пайғамбар Мухаммад (с.а.в.) Аллоҳнинг элчиси эканлигига чин дилдан иқрор бўлиб, бу калимани доим такрорлаб юриш зарур деб ҳисобланади. Авваллари калимаи тойийба, ёки шаҳодат араб тилида айтилган бўлса, ҳозирги пайтда ҳар бир мусулмон Аллоҳга эътиқод қилишнинг бу руқнини ўз тилида айтмоқда.

Ислом ўз муҳлисларидан кунда беш вақт намоз ўқиши талаб қиласди. Булар-бомдод, пешин, аср, шом, хуфтон намозларидир. Намоз ўқишига киришишдан олдин таҳорат қилиш буюрилган. Намоз Аллоҳга ҳамду сано ўқиши, намоздан сўнг ўз ниятларини айтиб, ундан марҳамат тилашдан иборат. Исломда кундалик беш вақт намоздан ташқари, муҳим ишлар олдиндан ҳам худога сифинишни талаб қиласди. Яна ислом динидаги киши ҳар йили рамазон ойида бир ой рўза тутиши керак.

Ҳаж қилиш шўролар даврида жуда чеклаб қўйилган эди. 1991 йилдан бошлаб, бу тадбирга кенг имконият яратилди. Натижада республикамиздан ҳар йили минглаб кишилар ҳажга боришига муваффақ бўлишди. Ҳар йили ҳаж сафарига мусулмонлардан 4000-5000 киши бориб келадиган бўлди.

Исломнинг беш асосий руқнларидан бири бўлган, Ҳаж зул-ҳижжа ойида, Ислом муқаддас шаҳар ҳисобланган Маккага бориш у ердаги Муқаддас жойларни зиёрат қилиб, турли диний урф-одат ва маросимларни бажариш билан Мадинага бориб, Пайғамбар Мухаммад (с.а.в.) қабрларини зиёрат қилиш, Ислом динининг бешинчи амалларини бажаришдир. Бунда мусулмон киши ўз оиласини иқтисодий томонидан таъминлаб, болаларини уйлантириб оиладан иқтисодий томонидан қутилса, ҳаж қилишга қурби етса ҳажга бориши мумкин. Бу Исломдаги

бешинчи руқнни бажариш демакдир.

Ҳар бир диннинг ўзига хос маросимлари тизими, байрамлари бўлади. Диний маросимлар диний эътиқод, ибодатнинг амалдаги ифодасини ташкил этади.

Диний қадриятлар, маросимлар диний тасаввур, эътиқодлар юзага келиши билан пайдо бўла бошлайди. Буларнинг юзага келиши деган ибтидоий одамлар, кейинчалик уруғ ва қабилалар ҳаётидаги муҳим воқеалар-фарзанд туғилиши, балоғатга етиш, якка никоҳли оилалар юзага келгач эса, оила қуриш билан боғлиқ бўлган.

Ислом ёйилган жойларда қурбон ҳайит кенг байрам қилинади. Мусулмон мамлакатларда бу ҳайитга тайёргарлик катта бўлади; масжидда маҳсус ибодат бўлади, ваъзхонлик-амри маъруф қилинади. Ҳайит уч кун давом этади.

Қурбон ҳайити қунлари мусулмонлар ўз ота-оналари, қариялар ва bemорларни бориб кўрадилар, уларга қўлларидан келган ёрдамларини аямай, хурматини ўз ўрнига қўядилар, қурбонлик учун сўйилган молларнинг гўштларидан бир қисмини ўз уруғ-аймоқларига, хусусан кам таъминланган оилаларга, бева-бечораларга тарқатадилар. Қурбонлик маросимининг яна бир тартиби сўйилган моллар гўштидан таом тайёрлаб, худойи шаклида йиғинлар ўтказадилар.

Хижрий-қамарий тақвим-календар бўйича шаъбон ойи тугаганидан сўнг рамазон ойи бошланиб, унда 30 кун рўза тутилади. Диний таълимотда мусулмонлардан рўза тутиш жараёнида моҳи рамазон ибодатини бажариш зарур деб ҳисобланади. Унда Қуръон тиловати билан бирга, хайр-эҳсонлар, дуюю-илтижолар қилинади. Бинобарин, ҳар бир мўъмин-мусулмон бу ойни ғанимат билиб, ўзини астойидил худо йўлига бағишлаб кечаю кундуз тоат-ибодат бирла бир кун ҳам рўза тутишни канда қилмаслик керак деб ҳисоблаган. Яна ислом таълимоти мусулмонлардан рамазон ойида Аллоҳдан ўз гуноҳларининг кечишини сўраб, тавба-тазарру қилиш билан бир вақтда инсон учун нохуш бўлган жаҳлу ғазаб, дилозорлик, қўполликлардан холи бўлиб, хушмуомалалик, одамшинавандалик, камтаринлик каби фазилатларни ўзига сингдириб бориши зарур деб ҳисобланган.

Ислом таълимотида, рўза ҳақида ёзилган турли диний манбаларда рамазон ойининг мазмуни, аҳамияти, унда мусулмонларнинг бурчи ҳар томонлама изоҳланган. Рўза ойининг ҳар бир кунини эъзозлаш, ифторликка алоҳида эътибор бериш қўзда тутилган. Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) 30 кун рўза ойининг уч даҳага бўлинишини эътироф этиб, уни шундай изоҳлаган: «Бу моҳи шариф шу қадар улуғ бир ойким, унинг биринчи ўн кунлик даҳаси-даҳаи раҳмат деб аталади, яъни Аллоҳнинг раҳмати ўз бандаларига муттасил ёғилиб турадиган кунларидир. Иккинчи ўн кунлиги-даҳаи мағфират, яъни Аллоҳ ўз

бандаларининг гуноҳу маъсиятларидан ўтиб авф қилиб юборадиган кунлар. Учинчи ўн кунлиги «итқун минан нор», яъни Аллоҳ ўз бандаларини оташи дўзахдан озод қилиб юборадиган башоратли кунлар».<sup>9</sup>

Рўза тутиш мусулмонлар учун кўп асрлардан буён одат тусига кирган бўлиб, унинг инсон организми учун муайян фойдаси ҳақида илоҳиётчилар фикрлар билдиришган, яъни бир ой давомида рўза тутган одамда «тозаланиш», «покланиш» содир бўлади. Организм ортиқча чиқиндилардан тозаланиб киши руҳи енгиллашади. Шуни эътиборга олиб, диндорлар билан бирга исломнинг барча талабларини тўлиқ бажармайдиган кишиларда ҳам рўза тутишга мойиллик бор.

Рамазон (Рўза) ойи шаввал ойининг 1 кунинда рамазон ҳайити-ийд ал фитр ўтказилади. Ҳайитнинг номидан ҳам маълум бўлиб турибдики, рўза тутмаганлар ҳам, бир ой рўза тутган мусулмонлар ҳам рўздан сўнг жон бошига қараб фитр рўза беришлари кўзда тутилган. У пул ёки озиқовқат шаклида ночор, кам таъминланган кишиларга масжидга берилади. Бу ҳайит ҳам уч кун давом этади.

Ҳайит кунлари ҳар бир диндор ўтган кунлари учун ўзига-ўзи ҳисоб бериши, рўза тутмаган ёки уни бузгани учун белгиланган микдорда намоз ўқиши, закот бериши, муайян кунлар давомида рўза тутиши зарур деб ҳисобланган. Рўза ҳайитни кенг нишонлаш одат, анъана тусига кирган. Ҳайитнинг биринчи куни эрта билан барча масжидларда мусулмон ахли тўпланиб, ҳайит намозини имом-хатиблар бошчилигига ўқийдилар. Хутба тинглайдилар.

Уч кун ҳайит давомида кишилар ўз ота-оналарини бориб кўрадилар, уларга совға-саломлар топширадилар. Марҳумлар яшаб ўтган уйларга, уларнинг қабрларига бориб дуойи фотиҳалар қиласдилар, баъзан уйларида худойилар уюштирадилар. Бундан ташқари мусулмонлар учун ҳайит кунлари бева-бечораларни бориб кўриш, улар ҳолидан хабар олиш, айниқса муҳим ҳисобланади.

Рамазон ойи тугаган кунлари фитр-садақа (фитр-рўза) ҳар бир жон бошига бир кунлик овқат ҳисобида камбағал, юпун кишиларга йифиб берадилар. Зотан, закот ал фитр айнан шу мақсадда йифиб олинади.

Юқорида айтганимздек, рўза тугашга уч қун қолган тун-«лайлутулқадр» кечасини мусулмонлар тантана билан ўтказадилар.

Рўза кунларининг энг муқаддаси-рамазоннинг мана шу 26 дан 27 га ўтар туни диндор кишилар кўз юммай, арши-аълодан келадиган мўъжизани кутадилар.

Исломда Мухаммад пайғамбарнинг арши аълога чиқиши-меърож алоҳида нишонланади. Ривоятларга кўра, Мухаммад ражаб ойининг 27-

<sup>9</sup> «Хал=сызи» газетаси. 1991 йил 16 март сони.

кунида ал-Буроқ номли афсонавий отда тунда Маккадан Қуддуси шарифга, сўнг у ердан Аллоҳ тахти-арши-аълога мўъжизали сафар қилган; Аллоҳнинг марҳаматига сазовор бўлиб, у билан сухбат қурган. Бу сухбат давомида Муҳаммад 99 минг сўз айтган.

Меърож байрам сифатида Фаластинда халифалар ҳукмронлиги ўрнатилиб, Қуддус шарифнинг муқаддаслиги эътироф этилгач, бу шаҳардаги муқаддас жойлар тавоф қилина бошлангандан сўнг нишонлаш одат бўлган. Уни нишонлаш даврида мусулмонларга Аллоҳ фақат мустаҳкам эътиқодли бандаларинигина бундай марҳаматига мушарраф қилиши тўғрисидаги фикр сингдирилиб, Аллоҳга ва унинг элчисига садоқат билан хизмат қилиш зарурлиги ишончи улар қалбида мустаҳкамланганди.

Яна бир диний байрам ашуро бўлиб, уни шиа йўналишидаги мусулмонлар нишонлайдилар. Бу байрам яна «шахсей-ваҳсей» деб ҳам аталади. Ашуро-тантанали мотам куни бўлиб, мусулмон руҳонийларнинг айтишларича, Муҳаммаднинг набираси, халифа Алининг ўғли имом Ҳусайннинг «дин ваadolat» йўлидаги «азобли ўлиши» хотираси учун белгиланган.

Аслида Ҳусайн дин йўли билан бирга ҳокимият талашиб, феодал курашларда ҳалок бўлган. Халифа Али ўлдирилган, унинг ўғли-вориси Ҳасан ҳокимиятни Сурия ноibi Muovияга топширган. Бунинг ўғли ва вориси Язид I эса ислом қоидаларини бузишда айбланган ва унга қарши диний мухолифлик кучайган.

Ҳусайннинг Куфа шаҳри аҳолисини Язид I га қарши чиқаришга интилиши ҳақидаги хийла-найранги ҳеч қандай самара бермаган ва у 680 йилда Карбало даштида кичик отряд билан ҳалок бўлган.

Ана шу муносабат билан ашурони асосан шиа мусулмонлари нишонлайдилар. Шу куни мутаассиб шиалар ўзларига азоб бериб, жазавага тушадилар. Бундай байрам кишиларнинг аҳволи-руҳиясига ўз салбий таъсирини ўтказмай қолмайди.

Исломда муқаддас кунлардан бири жума кунидир. Ислом кенг тарқалган мамлакатларда жума дам олиш куни деб эълон қилинган. Шу куни тақводор мусулмонлар ўз кунларини тоат-ибодат билан ўтказадилар. Унинг муқаддас кун деб ҳисобланишининг сабабини руҳонийлар қуидагича изоҳлайдилар: Аллоҳ оламни яратишни жума куни бошлаган. Муҳаммад ҳам, Али ҳам жума куни туғилганлар. Муҳаммад 622 йилда Маккадан Мадинага жума куни ҳижрат қилган. Исломнинг «шувъласи» ҳам оламга айнан жума куни тушган. Шу сабабли мусулмонлар жума кунини улуғлаганлар.

Бу кунларда масжидларда Қуръон ўқилади, ваъзхонлик қилинади, диндорлар бўлган хонадонларда худойи ўтказилади. Шу кунлар пайғамбарнинг қилган ишлари тўғрисида ҳикоя қилиш савоб

хисобланади.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ республикамиз мусулмонлари талабини ҳисобга олиб, Президентимиз И.Каримов маҳсус фармон билан диний байрам, жумладан Рамазон ҳайити ва Қурбон ҳайит кунлари дам олиш куни деб эълон қилинди. Бу фармонни халқимиз мамнуният билан қувватлади ва ҳайитлар кенг тантана кунига айланди. Худди шунингдек, халқимиз орасида қадимдан нишонланиб келинаётган «Наврӯз», «Қизил гул», «лола сайли», «Бойчечак» каби байрамлар ҳам тикланди; янги-янги боғлар ва истироҳат масканлари барпо этилмоқда; буларни барпо этиш учун умумхалқ ҳашарлари ўтказилмоқда.

Дарҳақиқат, асрлар давомида шаклланган бундай диний қадриятлар, байрамлар, ҳалқ сайиллари ва маросимларини бундан буён ҳам ҳалқ орасида кенг ёйиш мақсадга мувофиқдир. Чунки уларга бўлган муносабат маҳаллий ҳалқларнинг кўпчилиги тасаввурнида миллий анъана деб қаралиб адо этилади. Бу ўринда миллийлик билан динийлик бирмунча уйғунлашганлигини кўрамиз.

### **Политеизмдан монотеизмга ўтиш даврида араблар маънавияти.**

Араблар яrim оролида ислом динининг вужудга келиши арафасида «кўп худолик» эътиқоди ҳукм сурган. Уларнинг маънавияти, урфодатлари, диний маросимлари ҳам ана шу эътиқодга мос равища ифодаланган.

Кўп худолик эътиқоди мазмунига киравчи қонун-қоидалар бошқа шарқ ҳалқлари сингари арабларнинг ҳам тарихий тараққиёти-ибтидоий тузумдан бошлаб уруғчилик ва қабила муносабатларининг шаклланиши билан боғлиқ ҳолда ривожланган.

Дастлабки диний ғояларнинг келиб чиқиши ва тараққий этища инсонларнинг дунёни билиш, хусусан, мавҳум тафаккурнинг ривожланиши муҳим бир босқични ташкил этган. Инсоннинг тафаккури табиат, жамиятдаги нарса ва ҳодисаларни ҳиссий идрок этиш билан тавсифланади. Ибтидоий жамият аъзоларининг дунёдаги нарса ва ҳодисалар ҳақидаги тасаввурлари умумий белги ва хусусиятларни ажратган ҳолда уларга хос умумий тушунчалар яратиш, яъни мавҳумлаштириш қобилиятига эга бўлмаган. Ижтимоий тараққиётнинг муайян босқичидаги инсонларда воқеаликнинг айрим томонларини мавҳум тарзда тасаввур қилиш имкониятлари вужудга келган. Мавҳум тафаккурнинг бундан кейинги тараққиёти инсон орзу-хаёлларининг мавжуд дунё доирасидан чиқиб, воқеаликдан узоқлашиб қолишига, фикрнинг нарса ва ҳодисадан, онгнинг моддийликдан узоқлашиш имкониятларини вужудга келтирган. Бу ҳол дастлабки диний

тасаввурларнинг келиб чиқишига имконият яратган.

Арабистон ярим оролида ислом динини вужудга келиши арафасида уруғ-қабила муносабатлари таназзулга юз тутаётган давр эди. Ибтидоий жамоа тузуми емирилиб, қулдорлик жамиятига ва жамият тараққиётининг кейинги босқичларида ижтимоий ҳаётда, кишилар ўртасидаги моддий ва маънавий муносабатларда, хусусан урф-одат, ахлоқ-одоб, турмуш тарзида мұхым рол ўйнаб ижтимоий ва индивидуал (кундалик) онгда ўз аксини топган.

Диний тасаввурларни шаклланиши ва ривожланишида рухий (психик) омилнинг ўзига хос ўрни бўлган. Ҳар бир инсон, ижтимоий гуруҳ ва динга ишонадиган одамнинг психик ҳолатлари, чунончи ахвол-руҳияти, ҳис-туйғуларида содир бўлиб турадиган психик жараёнлар ва уларнинг диний эътиқод механизмларидир; булар одамда диндорликни ҳосил этишга, у йўқолган бўлса, қайта тиклашга ва диний таълимотларни ўрганиш, ўзлаштиришга қулай рухий замин тайёрлайди. Булар изтироб, ғам-алам, васваса, жазава, ғурбат, қўрқув, мусибат, фалокат, қулфат каби рухий кечинмалар оқибатида ҳосил бўлади. Диннинг инсон рухиятидаги бундай ҳолати икки-шахсий ва ижтимоий қисмларга бўлинади.

Араб қабилаларида турли диний эътиқоднинг шаклланиши илдизи улар ижтимоий-тариҳий тараққиётнинг босиб ўтган босқичлари билан боғлиқдир. Тарихан араб қабиласи аъзосининг шахсий диний кечинмалари ва эътиқоди қабила эътиқоди билан яқинлаштирилган ва барча қабила аъзолари учун ягона диний эътиқод санами шаклланган. Албатда ҳар бир қабиланинг эътиқод қиласидан санами (Худоси) бир вақтда вужудга келмаган. Улар араб қабилаларининг ижтимоий-иқтисодий ва ғоявий эътиқодлари асосида секин-аста шаклланган.

Бошқа халқлар сингари қадимги арабларнинг диний тасаввурлари жумласига тотемизм, фетишизм, анимизм, сеҳргарлик (магия) ва ўтмиш аждодлари руҳига сифинишни киритиш мумкин. Улар ибтидоий одамларнинг диний эътиқоди бўлса-да араб қабилалари ҳаётида, хатто уларнинг элементлари ҳозирги замон динларида ҳам учрайди.

Тотемизм-ҳиндлар тилидаги «О тотем» (унинг уруғи) деган сўздан келиб чиқсан. Тотемизм ибтидоий ғоят содда диний эътиқоднинг бир тури бўлиб, қадимги замондаги уруғ-қабила аъзоларининг муайян бир ҳайвон, ўсимлик билан ғайритабиий алоқаси, яқинлиги, қон-қариндошлиги бўлган деб, бу ҳайвон ва ўсимликларни муқаддаслаштиришдан иборатdir. Тотемизмнинг муайян кишилар гурухининг табиат, бинобарин, ташқи муҳит билан боғлиқлигини ифодаловчи дастлабки шаклларидан эди. Ҳар бир қабила ёки уруғ ўз шароитини ҳамда имкониятларини кўзда тутиб, баъзи ҳайвонларни овлар ва улар ҳақида етарли маълумотларга эга эди. Бундай ҳайвонларни яқиндан билиш уларнинг уруғ билан яқинлиги ёки қон-қариндошлиги

бўлса керак, деган тасаввурни келтириб чиқарган. Натижада баъзи ҳайвонлар, кейинчалик эса ўсимликнинг баъзи навлари ҳам муайян уруғ аъзоларининг аждоди-тотемидир, деган тасаввур шаклланишига олиб келган. Шу боисдан кейинчалик уруғ аъзолари тотемнинг «ёрдамига» кўз тикканлар, уни муқаддаслаштириб, ўз ҳомийлари деб ҳисобланганлар, сеҳр йўли билан унга таъсир қилишга уринганлар. Тотемга сажда қилинган, у ҳимоя қилинган, эъзозланган, уни отиб ўлдириш, истеъмол қилиш ман этилган. Фақат айрим ҳолларда, яъни тантанали кунларда тотем ҳисобланган ҳайвон ёки ўсимликни маҳсус расм-руслуга риоя қилинган ҳолда истеъмол қилиш мумкин бўлган. Уруғ аъзоларида шундагина тотемнинг куч-қуввати кишиларга ўтади ва у келгусида ҳам уруғнинг ҳомийси бўлиб қолади деган тасаввур бўлган.

Араб қабилаларида тотемга эътиқод қилишни ҳайвонлар номи билан аталадиган асад (арслон), баҳр (бўталоқ), саълаб (тулки) қабилаларидан билса бўлади.

Тотемларга эътиқод қилиш қадимий барча халқлар учун хос хусусиятлардан бири бўлган. Масалан, тотемизм эътиқодлари туб австрияликларда кенг сақланганлигини уларнинг уруғлари номларидан пайқаш мумкин. Улар уруғларни конкрет ҳайвонлар (кенгуру, оқ ҳўқиз, қора ҳўқиз каби ёки айрим ўсимликлар) номи билан атаганлар.

Тотемизмнинг элементларини ҳозирги динларда ҳам қўриш мумкин. Масалан, ҳиндуизм динида фил, сигир, маймун, илон кабилар муқаддас ҳайвонлар ҳисобланган. Ўзбекларда қалдирғоч, мусича, лайлак, кўк қарғани муқаддас қушлар деб эъзозлаш ҳам тотемизмнинг кўринишларидан биридир. Марказий Осиё халқларида, шу жумладан ўзбекларда мучалга қараб вақт ҳисобини чиқариш тотем эътиқоди билан боғлиқдир. Масалан, ота-боболаримизда одамларнинг ёшини яъни туғилган кунидан бошлаб қанча яшаганлигини мучал орқали, муайян ҳайвон номлари билан аталган йил ҳисобидан келтириб чиқариш одати бўлган.

Мучал мўғул, хитой ва бутун туркий халқларда кенг тарқалган йил ҳисоби бўлиб, унда йил ойлари 12 ҳайвон номи билан аталади: сичқон (муш), мол (гав), йўлбарс (паланг), қуён (харгўшт), балиқ (наҳанг), илон (мор), от (асп), қўй (гўсфанд), маймун (ҳамдуна), товуқ (мурғ), ит (сак), тўнғиз (хўк) шулар жумласига киритилган.

Халқимизда, айниқса мусулмонларда тотемнинг элементларидан бўлган мучалга эътиқод қилиш ҳали ҳам қисман давом этмоқда.

**Анимизм**-(лотинча-анимус-жон, рух демакдир) қадимги замон динларидан бири, киши руҳининг мавжудлигига ишонишдан иборат. Анимизм табиатдаги буюмларни илоҳийлаштириш, ҳар бир жисмда рух бор, танадан ташқари ҳам жон бор, деб ҳисобланади.

Анимистик тасаввурлар барча халқлар тарихидаги динларда жон ва

рух ҳақидаги тушунчаларнинг шаклланишида маълум рол ўйнаб келган. Анимизм ҳар бир кишида унинг ҳаёти ва онгининг манбай бўлган жон бор, деб талқин қилган. Дастребки анимистик тасаввур жонни соя ёки нафас билан айнан, деб билар эди. Масалан, Шимолий Америка халқларида соя билан жон, қадимги арабларда жон билан қон, Гренландияда эса нафас олиш билан жон битта ном билан аталади. Анимизм одамда олам ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш, предмет ва ҳодисалар хусусиятларини чуқур ўрганиш, жон ва руҳларнинг тирик деб топган. Шу даврда жоннинг ўлмаслиги ҳақидаги тасаввур пайдо бўлган. Чунки қадимги одамлар ўз таналарининг тузилиши тўғрисида тўлиқ бир тушунчага эга бўлмай, ҳатто уйқу ва туш кўришнинг сабабларини ҳам изоҳлай олмаганлар. Шундан сўнг ибтидоий одамлар инсон танасини бошқарадиган қандайдир алоҳида бир куч бўлиб, одам ўлгандан сўнг у қуч, яъни жон танадан чиқиб кетади деган тасаввур ҳосил бўлган. Натижада жоннинг танани тарқ этгандан кейинги фаолият қандай кечиши ҳақида ўйлай бошлаганлар. Ибтидоий одамлар ўзларини табиатдан ажратиб қўймаганлар. Шунинг учун улар ўзлари билан бир қаторда ҳайвон, ўсимлик, ҳатто меҳнат қуроллари, кейинчалик, сув, ўрмон, момақалдироқ ва бошқаларда ҳам жон бор, деген тасаввурларни келтириб чиқарганлар. Профессор А.Хасанов араблардаги жоҳилия даврини изоҳлаб шундай дейди: «Баъзи будавий қабилалар қадимги мисрликлар сингари инсон вафотидан сўнг унинг «Жони» яшашда давом этишига ишонганлар. Марҳумнинг гўрига туюни сўйиб кўмиш ҳоллари бунга мисол бўла олади. Анимизмнинг бир тури сифатида «жин», «ажина» тушунчаси ҳам қадимги арабларда кенг тарқалган».<sup>10</sup> Буни фанда гилозоизм деб атайдилар.

Жон ва руҳларга ишониш барча динларга хосдир. Диндорларнинг фикрича, жон барча кишиларда бўлиб, худо энг олий руҳ ҳисобланади. Фаришта, шайтон қабилар ҳақидаги тасаввурлар ўз моҳиятига кўра мураккаблаштирилган анимизмдир. Одам ўлганидан сўнг танадан чиқиб кетадиган жон бор, деган тасаввур чукурлаша борган. Демак, одам ўлганда жон чиқиб кетиб, яшай берар экан, унинг ўзи абадий яшайди деган тушунча пайдо бўлган. Абадий руҳ тўғрисидаги тасаввур ана шу йўсинда шаклланган. Руҳларга ишониш арвоҳларга ишонишни келтириб чиқарган. Арабларда ҳам ўтмиш аждодлари руҳига сифиниш, уларни диний эътиқодида кенг ўрин олган.

Жон ва руҳларни ўлмаслиги ҳақидаги қадимий анимистик тасаввурларнинг элементлари ҳозирги барча динларда сақланиб қолмоқда. Масалан, диндорлар тасаввурларида ўлган кишиларнинг арвоҳини йўқлаш, уларни тирик одамлар сингари ҳамма нарсадан

<sup>10</sup> Хасанов А. Макка ва Мадина тарихи.-Т.: «Мещнат», 1992.-Б. 47.

хабардор, деб тушуниш мавжуд. Шу туфайли жон ва руҳларга атаб қурбонлик, хайр-худойи қилиш, садақа бериш одатлари ҳамон учраб туради. Баъзан мурдани кийимлари билан дағн этиш, ёнига сув, овқатлар қўйиш одатлари ҳам анимизмнинг кўринишидир. Ўзбекларда арвоҳлар ҳақидаги тасаввурлар, уларни эслаб пайшанба оқшоми арафасида чироқ ёкиш, қабристонларга бориб Куръон сураларидан ўқиш анимизмга бўлган эътиқодининг шаклларири.

**Фетишизм**-(фетиш-француз тилидаги «фетико»-ясалган тумор, бут, санам даган сўзлардан олинган) моддий буюмларда ғайритабиий хусусиятлар борлигига ишониб, жонсиз нарсаларга сифинишидир. Ибтидоий одам онгида ҳар хил моддий буюмлар-тоғ, қоя тош, дараҳт, кейинчалик турли ҳайвонларнинг суяги, пати, тумор, санам ва ҳоказоларда ғайритабиий кучлар бор, деган тасаввур пайдо бўлган. Ўзлари вужудга келтирган бундай қучларга ўзлари сифина бошлаганлар. Ибтидоий дин шакллариридан бири бўлган фетишизм барча халқларда диний тасаввурлар шаклланиши билан узвий боғлиқдир. Араб қабилаларининг турли моддий нарсалардан ясалган санамлари фетишизмнинг яққол намунасири.

Фетишизм политеистик (кўп худолик), хатто монотеистик (якка худолик) динларида ҳозиргача сақланиб келмоқда. Масалан, христианларда крестга (бутга) сифиниш, мусулмонларнинг эса турли ўсимлик турларини-седана, кўзтикан, қалампирмунчоқ, аччиқ қалампир, исириқ, чилонжийда, дараҳтлардан-ёнғоқ, чинор, арча ва бошқалар муқаддаслаштириб, бошқа буюмларга, шу жумладан одамларга таъсири ёки ёрдами бўлиши мумкин деган тасаввур пайдо бўлган. Бундай хусусиятни тоғ-тошларга, турли буюмларга ҳам хос деган ғайритабиий фикрлар шаклланган.

Арабларда исломгача мавжуд бўлган кўпхудолик даврида санамларни ясаш ва уларга сифиниш ҳам фетишизмнинг кўринишидир. Манбаларнинг кўрсатишича, масалан, Қурайшларнинг Каъба ичкарисига ва атрофига қўйилган санамлари орасида энг буюги ва машҳури Хубол эди. У қизил ярим қимматбаҳо тошдан ясалган қўлсиз шаклдаги инсон бўлиб, қурайшлар унга олтин қўл улаганлар,<sup>11</sup> ўзлари эса унга сифинганлар.

Фетишизм диннинг ибтидоий ажралмас қисмидир. Ҳозирги вақтда баъзи соддадил, мутаассибларнинг турли тумор, кўзмунчоқ ва ҳоказоларни тақиб юришлари, дараҳтларга латта-путталарни осиши, ис чиқариши шундай жисмларни илоҳийлаштириш, уларнинг мўъжизавий кучига ишониш фетишизм диний эътиқодининг энг характерли кўриниши ва қолдиғидир.

<sup>11</sup> +аранг: Ҳасанов А.-Б. 49.

**Шомонизм-ибтидоий** жамоа тузум емирилиши даврида пайдо бўлган анимистик эътиқод ва ибодатнинг кенг доирасига кирадиган қадимги диний эътиқодлардан бири. Унинг ўзига хос хусусияти-кишилар орасида турли руҳлар билан муносабатда бўла оладиган шомонлар қобилиятига ишонишдир. Шомонларга, шунингдек, келажакни олдини айтиб бериш, касални даволаш, ўлганларни охиратга кузатиш, табиатда хоҳлаганча ўзгартириш қилиш каби хусусиятлар киради. Кўпхудолик эътиқоди ҳукм сурган араб қабилаларида шомонликнинг руҳ билан одам ўртасидаги алоқани тиклаш, муносабатларини ўрнатиш ҳиссиёти каби ҳаракатлар мавжуд эди. Ўтмишда шомонларнинг руҳ билан алоқаси шомон дўмбираси ёки мўъжизавий мусиқа ижросида турли расм-русларни бажариш жараённида жазаваси тутиб, ҳолдан тойганча бажарилган. Шомонизм ўтмиш динлар сарқити сифатида баъзи ҳолларда учраб туради.

**Магия** (сехргарлик)-инсонга, ҳайвонга ёки табиат ҳодисаларига ғайритабиий йўл билан таъсир қўрсатиш мақсадида бажариладиган хатти-ҳаракатдир.

Сехргарлик ҳаракатининг шакллари турлича бўлиб, улар турмушининг ҳар хил соҳаларида қўлланган. Муҳаббат магияси, даволаш магияси, ишлаб чиқариш магияси, душманни енгиш магияси каби сехргарлик ибодат ва ҳаракатлар анча кенг тарқалган. Меҳнат билан боғлиқ бўлган магик ҳаракатлар ибтидоий одамлар ҳаётида алоҳида ўрин эгаллаган, яъни улар тирикчиликка керак бўлган нарсаларни топишдан олдин шу буюм ёки ҳодисага боғлиқ бўлган магик ҳаракатларни бажарганлар.

Ишлаб чиқариш муваффақиятига бағишлиланган сехргарлик ҳаракатлар, ишлаб чиқариш характеристига қараб, турли шаклларда ва ҳар хил мақсадларда ўтказилган эди. Ибтидоий жамоа аъзоларининг умумий манфаатига хос бўлган бундай ҳаракатларнинг элементлари араб қабилаларида ҳам учраси эди.

Исломдан олдин араб қабилаларида ибтидоий дин шакллари элементларига эътиқод қилишдан ташқари тоғ, сув, бўрон, қуёш момақалдироқ худоси каби тасаввурлари бўлиб, уларга ҳар бир қабила ўзига хос даражада эътиқод қиласи эди.

Исломдан олдин Арабистонда шунингдек, яхудий ва христиан жамоалари бўлганлиги тарихдан маълум. Уларнинг араб қабилалари ёки жамоалари билан яқин алоқада бўлиши фақат меҳнат фаолиятларидаги ўзаро алоқалари бўлмасдан, балки диний тасаввурларида ҳам бир-бирларига таъсири бўлган. Масалан, Фаластин худудида қадимги замонларда деҳончилик ва чорвачилик билан шуғулланган қўчманчи яхудий қабилалари яшаган. Бу қабилаларда араблар сифатида анимизм, магия, фетишизм, сехргарлик ва турли ўсимлик ҳамда ҳайвонларга

сиғиниш ҳукмронлик қилган. Яхудий қабилалари ўзларини муайян ҳайвонларнинг номлари билан атаганлар. Иудаизмнинг «муқаддас» китоблар тўпламида ҳайвонларни ва ўсимликларни, табиатдаги даҳшатли, стихияли кучларни, арвоҳларни ва бошқаларни эъзозлаш излари бор.

Ислом дини пайдо бўлиши арафасида арабларда полетеизмдан монотеизмга ўтиш ҳаракати, орзу-иштиёқи бўлганидек, иудаизмда ҳам политеизмдан монотеизмга ўтгунча бир қанча тарихий жараённи бошдан кечирган. Бу жараён ибтидоий жамоа тузумидан қулдорлик жамиятига ўтгунча бўлган даврни ўз ичига олади. Мана шу тарихий даврда яхудий қабилалари кўп худоларга эътиқод қилганлар. Ҳар бир қабиланинг, ҳар бир уруғ, ҳатто шаҳарнинг ўз худоси бўлган; моддий олам ҳодисаларининг ҳар бир гуруҳи алоҳида худонинг номи билан боғланган. «Сенинг шаҳарларинг қанча бўлса, худоларнинг шахри ҳам шунчадир», дейилади Таврот ёзувларида. Иудаизмдага маҳаллий авлиёлар ҳисобланмиш Исо (Иисус), Навин, Иброҳим (Авраам), Исҳоқ (Исаак) Ёқуб (Иаков), Юсуф (Иосиф) қабилар бошқа динларда, шу жумладан исломда пайғамбар деб тан олинган.

Арабистон Ярим оролида иудаизм билан бир қаторда монотенистик таълимотни тарғиб қилувчи христиан жамоалари ҳам мавжуд эди. Улар арабистонга таҳминан милодий йилнинг бошларида кириб келган бўлишлари мумкин. Масалан, 471 йилдан эътиборан христиан черковлари Қадимги Шарқ черковлари деб атала бошланган. Христианликнинг бир тармоғи бўлмиш несторианлар эса, энг аввало, Оссурийлар орасида тарқалгани. Буларнинг диний жамоалари ҳозир ҳам Сурияда, Ироқда, Эронда ва Ҳиндистонда бор.

Арабистон ярим оролида исломнинг вужудга келиши арафасида яхудийлик, христианлик, ҳаттоки зардуштийлик ва монизм таълимотлари бу минтақаларда кенг тарқалгани ҳақида ёзма маълумотлар мавжуд. Мазкур динларга эътиқод қилувчи қабилалар билан араб қабилаларининг алоқалари мавжуд бўлиб, бир-бирларига таъсири сезиларли даражада бўлган. Жумладан, меҳнат фаолиятида, савдо-сотиқ ишларида, ҳаттоки урғ-одат, турмуш тарзи, маънавиятининг ривожланишида ўз ифодасини топган.

Арабларнинг исломдан олдинги маънавияти уларнинг яшаш шароити, меҳнат фаолияти, рухияти, дунёқарашининг шаклланиши эса мавжуд полетеистик (кўпхудолик) динлари таъсирида бўлган. Шу нарса аёнки, иудаизм ва христианликда политеизмдан монотеизмга ўтиш исломдан олдин вужудга келган. Исломда эса бу жараён VI асрнинг ва VII асрнинг бошларида қарор топди.

Ислом ва бошқа жаҳон динларининг политеизмдан монотеизмга ўтиш тарихи бу жараённинг муайян эволюцияси даври ўтиши

натижасида юзага келишини кўрсатади. Араб халқларининг маънавияти ўша даврдаги турмуш тарзи, диний эътиқодлари доирасида шаклланган ва ривожланган. Ислом динининг вужудга келиши билан уларнинг маънавияти, ҳаёт тарзи ва қарашларида секин-аста туб ўзгаришлар содир бўлишига олиб келган.

### **Ислом маънавияти ва маърифатининг шахс ва жамият муносабатларига таъсири.**

Ислом маънавиятининг мазмуни Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда, уларга асосланган ислом фалсафаси, тасаввуф, одоб-ахлоқ масалаларига бағищланган дунёвий ва диний олимларнинг асарларида ўз ифодасини топган. Бу билимларни тарғиб қилиш ислом маърифати доирасига киради.

Ислом маънавиятида инсон камолотига алоҳида урғу берилган. Яъни инсоннинг шаклланиши учун диний билимлар билан бир вақтда дунёвий билимларни пухта эгаллаб ҳақ йўлдан тоймаслик, ҳаётда эзгу излар қолдириб, иймон-эътиқод ва ҳидоят йўлида улуғ мақсадлар билан яшашга даъват этилган. Шахснинг одоб-ахлоқининг шаклланишида, шахс ва жамият муносабатларида диний таълимот, хусусан унинг қадриятларини ўрни катталиги уқтирилган.

Ислом таълимотича, хусусан аркони ад-дин талабларига тўлиқ риоя қилувчи одам учун бу таълимот биринчи ўринда туради. Бундай Одамнинг тасаввурида ер ва осмонни, борлиқни барча тирик мавжудодни, шу жумладан инсоннинг ўзини ҳам Аллоҳ яратган деб тушунилади. Масалан, Бақара сурасида бундай дейилади. «У» Еру осмонларнинг Яратувчисидир. Бирор ишни қиласиган бўлса, (фақатгинга унга) «Бўл» деса, бас у бўлади». (2:117).<sup>12</sup>

Исломнинг суннийлик ва шиалик йўналишларидағи барча мазҳаблар инсон шахси ҳақида деярлик бир хил фикрни баён қилганлар. Фақат ислом фалсафасида, тасаввуфда бу масала янада мураккаб мазмун ва шакл касб этган.

Тасаввуф таълимоти соҳасида йирик тадқиқотлар муаллифи Н.Камилов таъкидлаганидек, тасаввуф Ўрта Осиё фалсафаси тараққиётидаги кўп асрлик тажрибаларни ўз ичига олиб, уни ривожлантирган, дин ва фалсафа, ҳикмат ва ваҳдат, қалом ва ҳадис илмларини бирлаштирган, илоҳий билимларини бирлаштирган, булар билан дунёвий илмларни боғлашга ҳаракат қилган.<sup>13</sup>

Олимнинг «Хилват» ва «Узлат» ҳақидаги Имом /аззолий фикрларининг таҳлили дикқатга молик. Тасаввуф йўлига киришдан

<sup>12</sup> +уръони Карим. Таржима ва изоцлар муаллифи Абдулазиз Мансур, масъул мушаррир Щамидулла Караматов:-Т.: 2001.

<sup>13</sup> +аранг: Камилов Н. 1-китоб-Т.: 1996. Б-13.

олдин ҳар бир одам (эркак) оила аъзолари манфаатларига заарет маслигини ҳисобини қилиш, агар шундай қилмаса «Узлат»га кириш гуноҳ эканлиги асосланади.<sup>14</sup>

Бу ерда шахснинг оиласи, жамиятга муносабати илоҳий қадрият орқали қаралиши билан бирга бошқа омилларнинг роли инкор этилмайди. Масалан, олимларнинг олиб борган изланишлари натижасида Куръони каримда «Илм» сўзи 750 марта, «ақл» сўзи 50 марта тилга олинганлиги аниқланган. Демак Куръони карим ва бошқа диний манбалар инсон (шахс) ақл-заковатини ижодий томонга йўналтиришга йўл очади. Ислом пайдо бўлган дастлабки асрларда яъни VII асрнинг охири ва VIII асрларда ушбу диний: таълимотда турли мазҳаблар, йўналишлар шакллана бошлади. VII асрнинг иккинчи ярмида даставвал Хорижийлар (Ал-Хавориж, хараж-диндан чиқмоқ мазмунидаги) йўналиши шаклланади, сўнгра яна икки йирик оқим-суннийлик ва шиаликка ажralган. Бу иккала йўналишнинг ҳар бирида кейинчалик бир неча ҳуқуқий масҳаблари шаклланиб исломнинг ривожига ўз ҳиссасини кўшган.

Халқимиз тарихидан маълумки, илм-фан, адабиёт, санъат ва ижтимоий-иктисодий муаммоларининг ҳал қилишда дунёвийлик ва динийликка нисбатан кўп ҳолда тўғри ёндошилганлиги учун ижтимоийлик ва илмий соҳада шундай жаҳонга машхур қашфиётлар қилинди, улар халқимизнинг маънавий-маъданий меросининг олтин хазинасидан муносиб ўрин олди. Бу қашфиётларнинг эгалари ўз замонасининг, ҳаттоқи ҳозирги даврининг ҳам юксак шаклланган шахси эканлигидан далолат беради.

Шахснинг жамиятга ва аксинча жамиятнинг шахсга муносабати масаласи ҳам муҳимдир. Жамият, одамлар уюшмасининг маҳсус шакли, тараққиётнинг маълум босқичида шаклланадиган ижтимоий муносабатлар мажмуудир. Жамиятнинг шаклланиши ва қарор топиши узоқ тарихий даврни бошдан кечирган бўлиб, мураккаб жараённинг ижтимоий ҳодисасидир.

Халқимиз ўзининг бир неча асрлар давомидаги ижтимоий-иктисодий, илмий-маданий, ғоявий-ахлоқий ривожланиш жараённода уйғониш даврининг икки босқичини босиб ўтган. Имом Термизий, Имом Бухорий, Маҳмуд Замахшарий, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд каби уламо, буюк муҳаддисларни, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Амир Темур, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби буюк фан ва давлат арбобларини етказиб берган. Бу уламо-олимлар ва мутафаккирлар ислом маърифатига улкан ҳисса қўшиб доимий

<sup>14</sup> +аранг: Камилов Н. 1-китоб-Т.: 1996. Б-13.

ўзгариш ва ривожланишда бўлган жамиятнинг мазмун-моҳияти, жамият ва шахс муносабатларининг фан билан дин алоқалари ҳақида фикр юритиш билан бир вақтда давлат ва жамиятни бошқариш масалаларига ҳам алоҳида эътибор бердилар.

Ушбу масалаларни ташкил қилишда мутафаккирлар фанларни туркумлашда диний ва дунёвий фанларга ажратмаганлари ҳолда уларни бир-бирига қарама-қарши қўймаганлар. Аммо булар иккала ёндошувда ўз олдига қўйган мақсадлари, ўрганиш обьектларида бир-биридан фарқ қиласидиган тамойилларини ҳам кўрсатиб ўтганлар.

Марказий Осиёда етишиб чиққан улуғ мутафаккирлар жамиятни пайдо бўлиши, моҳияти ва истиқболлари тўғрисида, шахс ва жамият муносабатлари, давлатни бошқариш хусусида илгор илмий қарашларни илгари сурдилар. Бунда араб файласуфи Ибн Рушд олға сурган ҳақиқатга эришишнинг икки хил йўлини, яъни бири диний, иккинчиси илмий йўл деб билдилар. Диний йўл билан Худо ва унинг қудратини билиш йўлидан иборат бўлса, илмий йўл эса табиат ва обьектив оламни билиш орқали амалга ошади.

Улуғ мутафаккирларнинг жамиятни пайдо бўлиши, мазмун-моҳияти, шахс ва жамият муносабатлари тўғрисидаги илмий ва фалсафий қарашлари катта аҳамиятга эга бўлади.

Бу улуғ зотлар ислом маънавияти ва маърифатининг шахс ва жамият муносабатларининг шаклланиши ва ривожланишига қўшган ҳиссасини доимо назарда тутганлар. Зеро, ислом маънавиятининг шахс камолотидаги ўрни ва роли муҳимлиги эътироф этилган.

Жамиятнинг мазмун ва моҳияти, шахс ва жамият муносабатлари ҳар бир тарихий даврда яратилган диний, исломий фалсафий таълимотлар асосида талқин қилиниб келган бўлса, жамиятнинг ҳозирги ривожланиш босқичида улар ўрнига илғорроқ таълимотларини яратиш вазифасини қўяди.

Демократик ҳуқуқий фуқаролик жамиятни шакллантириш ва тараққиётни амалга ошириш жараёни кетаётган ҳозирги шароитга одамлар ўртасидаги амал қиласидиган ахлоқий, сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий, диний ва мағкуравий муносабатларни яхшилаш ва мустаҳкамлаш учун халқимиз маънавиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратади. Шахс ва жамият муносабатларининг ахлоқий, ҳуқуқий жиҳатларини мустаҳкамлаш инсон шахсини шакллантиришга, фуқаролик жамиятининг асосларини яратишга боғлиқдир.

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Исломий қадриятлар нима?
2. Умуман қадрият тушунчасичи?
3. Маънавият нима?

4. Маърифат нима?
5. Ислом маънавияти мазмуни нима?
6. Араблар исломдан олдин қандай динга эътиқод қилганлар?
7. Политеизм ва монотеизм нима?
8. Ислом таълимотида шахс ва жамият тушунчаси қандай?
9. Тасаввуфда шахс қандай изоҳланади?
10. Шахс, жамият тушунчасига ва ислом маънавиятига Ўрта Осиё мутафаккирлари қандай ҳисса қўшганлар?

**Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқук ва эркинликлари ҳамда манфаатлари-энг олий қадрият.-Т.: «Ўзбекистон», 2005-48 б.
2. Буюк сиймолар, алломалар: Ўрта Осиёлик машҳур мутафаккирлар ва донишманлар. К. 1,-Т.: «Ўзбекистон», 1995-101 б.
3. Кароматов Ҳ. Диний қадриятлар миллий тараққиёт хизматида. Мустақилликнинг етти Наврӯзи истиқлоннинг ойдин йўли.-Т.: «шарқ», 1999-102 б.
4. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ҳақида К. 1.-Т.: 1996-272 б.
5. Молик Мурод. Ўзбек қадриятлари (1-китоб)-Т.: «Чўлпон»-270 б.
6. Фалсафа. Қомусий лугат (тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров)-Т.: «Шарқ» нашриёти матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти.-2004.-496 б.

## 4-МАВЗУ: ДИНШУНОСЛИК ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ

### РЕЖА:

- 4.1. Диншуносликка фалсафий усулларнинг татбиқ этилиши.
- 4.2. Дунё динларини тарихий-хронологик ўрганиш усуллари

**Таянч иборалар:** умумфалсафий, ижтимоий-фалсафий, махсус, умумилмий, назарий ва эмпирик усуллар, диалектика, тизимли ёндашув, таҳлил, уйғунлаштириши, абстрактлаштириши, умумлаштириши, моделлаштириши, аналогия, гипотеза, индукция, дедукция, кузатиш, эксперимент.

### 1. Диншуносликка фалсафий усулларнинг татбиқ этилиши.

Бир қатор фанлар мажмуини ўз ичига олган диншунослик уни билишнинг турли усулларини қўллади. Бошқа фанлар каби унга ҳам умумфалсафий, ижтимоий-фалсафий, махсус, умумилмий, назарий ва эмпирик усуллар қўлланилади. Улар диалектика, тизимли ёндашув, таҳлил (анализ), уйғунлаштириш (синтез), абстрактлаштириш, умумлаштириш, моделлаштириш, аналогия (ўхшатиш), гипотеза, индукция (жузъий ҳодисалардан умумий натижа чиқариш), дедукция (умумий ҳолатдан хусусий хуносаларга келиш), кузатиш, эксперимент (тажриба ўтказиш) ва ҳ.к.лардан иборат. Булардан ташқари диншуносликда ўзига хос бўлган услублардан ҳам фойдаланилади. Жумладан, дин социологиясида ижтимоий фактларни аниқлаш услуби самарали натижа беради: хужжатларни ўрганиш, турли хилдаги сўровлар ўтказиш – интервью олиш, анкета тўлдириш ва ҳ.к. Олинган маълумотларни бирламчи қайта ишлаш: груптарга ажратиш, табақалаштириш, статистик жадвалларни тузиш ва ҳ.к. Дин психологиясида таржимаи ҳолларни таҳлил қилиш, лойиҳавий тест ўтказиш, кишилар шахсий ҳаётига оид сўровлар ўтказиш, шахснинг келиб чиқиши ва эгаллаган мавқе-мақомини тадқиқ этиш, ижтимоий ўлчов каби услублар ишлатилади.

Динни тадқиқ этишда шундай ёндашувлар ишлаб чиқилганки, унда қатор хусусий услубларни уйғунлаштирилган. Улар бир неча ўн йиллар мобайнида қўлланиб келинаётган бўлиб, ҳозирда ҳам самарали натижаларни бермоқда. Сабабий таҳлил деганда сабаб-оқибат муносабатларини ўрганиш, турли диний кўринишларнинг юзага келиш сабаблари ва тараққиёт

босқичларини аниқлаш кўзда тутилади. Бундай таҳлил тамойиллариға кўра, “нима учун?” деган савол биринчи ўринда туради, чунки дин ўз-ўзидан тушунилиши мумкин эмас, зеро дин ўзининг сабабчиси ўзи эмас. Айнан сабабий тушунтириш авваламбор, инсонлар ҳаётий фаолиятидаги амалдаги муносабатлардан турли диний ва нодиний шаклларни ажратиб олишга ёрдам беради. Тарихийлик ва мантиқийликнинг ягоналигидан келиб чиқиб тарихий жараёнларни мантиқан англаш мумкин бўлади. Бу эса обьектнинг ҳозирги кундаги ҳолатини тушуниш имкониятини беради. Шунингдек, тарихийлик-мантиқийлик ўтмишда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисларни англаш учун йўриқнома бўлиб хизмат қиласи.

## 2. Дунё динларини тарихий-хронологик ўрганиш усуллари.

Тарихийлик бир неча хил кўринишларга эга бўлиши мумкин. Шажаравий ёндашув бошланғич давридан тараққиётнинг кейинги босқичларини чиқариб олиш имкониятини беради. Бу жараёнда тараққиёт занжирининг оралиқ бўғинларини тўғри аниқлаш муҳим ўрин тутади. Бошқа тарафдан, тадқиқотчи ўтмишга қанчалик чуқурроқ кириб боргани сари унинг ихтиёридаги аниқ маълумотлар миқдори камайиб боради. Бундай ҳолатда тарихийлик долзарблик шаклида намоён бўлади: ҳар қандай кўринишнинг замонавий ҳолати тараққиётнинг натижасидир, мавжуд ҳолатни ўрганиш назарий тузилишни келтириб чиқариш имконини беради. Бу эса мазкур кўринишнинг аввалги, жумладан, бошланғич босқичда қандай бўлганлигини тавсифлаб беришга ёрдам бериши мумкин.

Қиёсий-тарихий тадқиқот усули бир диннинг турли босқичларини турли давлардаги ҳолатини, шунингдек, бир вактда мавжуд бўлган бошқа-бошқа динларнинг турли босқичларини қиёслайди. Турли динлардаги шахсларни (масалан, Будда ва Исо Масихни) қиёслаш усули алоҳида аҳамиятга эга. Қиёсий таҳлил асосида тадқиқотнинг маҳсус соҳаси – қиёсий диншунослик юзага келган.

Типологик услуг (туркумларга ажратиш услуби) ўрганилаётган обьектларни қисмларга ажратиш ва қандайдир жиҳатлариға кўра алоҳида гуруҳларга жамлаш билан боғлиқ бир қатор жараёнларни ўз ичига олади. Туркумлаштириш натижасида аломатларнинг статистик муҳим бўлган гуруҳлари келиб чиқади ва улар муайян обьект, кўринишнинг ягона групга мансуб үмумийлик анловасини берали.

Қандайдир объект аломатларининг ўзгармаслиги уни ўзига мос гурухга қўшиш имконини беради. Бирор турга жамланган обьектлар аломатлари орасидаги фарқ тасодифий аҳамиятга эга бўлиб, бу фарқлар турли обьектларга хос хусусиятлар орасидаги фарқларга нисбатан сезилмас даражададир. Алоҳида турларга жамлаш орқали динларнинг тарихий турларига хос хусусиятлар, ҳурфикарлилик турлари аниқланган.

Феноменологик услуг кишиларнинг диний амалларни биргаликда, муштарак ҳолда бажаришнинг аҳамияти ва моҳиятини аниқлашга қаратилган амаллар мажмуасини ўз ичига олиб, амалда фаол бўлган шахсларнинг қизиқишилари, тасаввурлари, ғоялари, мақсадларини қиёслайди. Шу йўл билан уларнинг ахлоқи орасидаги маънавий алоқани, ўзаро мулоқотларнинг шаклий тузилишини, ижтимоий муносабатларнинг субъектив омилларини тушуниб этишга эришади. Феноменологик таҳлил услубини қўллаш диншуносликнинг алоҳида соҳаси бўлган дин феноменологиясининг ажralиб чиқишига сабаб бўлди. Структуравий-функционал таҳлил тизимдан иборат обьектлар билан алоқадор бўлиб, уларнинг тузилиш ва фаолият кўрсатиш амалиётини очиб беришга қаратилган.

### ***Ўтилган мавзу бўйича саволлар***

1. Диншунослиқда динни билишда қандай тадқиқот усуллари қўлланилади?
2. Динни тадқиқ этишда “сабабият таҳлили” қандай мазмунга эга?
3. Дунё динларини тарихий-хронологик ўрганиш усуллари нималардан иборат?

### ***Адабиётлар***

1. Hillary Rodrigues, John S. Harding. Introduction to the study of religion. – USA, Routledge, 2009.
2. Диншунослик асослари (ўкув қўлланма) / Муаллифлар жамоаси. – Т.: “Тошкент ислом университети нашриёт матбаа бирлашмаси”, 2013.
3. Агзамходжаев С., Раҳимжонов Д., Мухамедов Н., Нажмидинов Ж. Дунё динлари тарихи (Ўқув қўлланма). – Тошкент, “Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси”, 2011.
4. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д. ва бошқалар. Диншунослик: Дарслик / масъуль муҳаррир Н.Иброҳимов. – Тошкент: Мехнат, 2004.
5. Валиев Б., Расулов А. Дин психологиясини ўқитишнинг инновацион методлари. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2013.

## 5-МАВЗУ: ДИН ФЕНОМЕНОЛОГИЯСИ

### РЕЖА:

- 1. Дин феноменологиясининг вужудга келиши.**
- 2. Дунё динларини феноменологик ўрганишнинг моҳияти.**
- 3. Диний феноменнинг намоён бўлиши.**

**Таянч иборалар:** феноменология, “феномен”, “ноумен”, И.Ламберт, И.Кант, Қиёсий ва тизимли ёндашув, “соддалаштирмаслик”, “Муқаддас ғоя”, имон, илм олиш феномени, Ватанни севиш феномени, гуноҳкорликни тан олиш, руҳан таскин топиш, риҳла, ният.

### 1. Дин феноменологиясининг вужудга келиши.

Дин феноменологияси фалсафий феноменологияга асосланган ҳолда диннинг моҳиятини аввалда мавжуд илмий қарашлар, умум қабул қилинган қадрияtlар ва тушунчалар таъсиридан холи тарзда аниқлашга интилади. “Феноменология” истилоҳи 1764 йилда математик ва файласуф И.Г.Ламберт (1728-1777) томонидан муомалага киритилган.

XVIII аср охирида германиялик файласуф Иммануил Кант (1724-1804) “феномен” ва “ноумен” орасидаги фарқни ажратиб берувчи концепцияни илгари сурди. У феномен деганда ҳар қандай инсон тўлиқ тушуниб етиши мумкин бўлмаган ҳолат, ноумен деганда диний тажрибага эмас, балки онг тарафидан бошқарилувчи ғояларни назарда тутган эди.

Динга феноменологик ёндашув бирор диний анъанани ўрганиш учун тадқиқотчи ўша жараёнда шахсан ўзи иштирок этишини талаб этади. Шу йўл билан динни ўрганаётган киши ўша жараёнда муайян динга хос бўлган диний феноменларнинг намоён бўлишини шахсий тажрибасида синовдан ўтказади. Муайян динни феноменологик йўл билан ўрганишда тадқиқотчи дин хақида холис мавқени эгаллайди ва мавжуд қадрият бўлиб қолган қарашлардан узоқлашади. Тадқиқотчилар динни бундай ўрганишни диншуносликдаги муҳим соҳа деб қарайдилар. Дин феноменологиясида ҳар бир динда мавжуд бўлган “диний тажриба”ни тан олиш асосий йўналишни белгилайди.

### 2. Дунё динларини феноменологик ўрганишнинг моҳияти.

Дин феноменологияси динни ўрганишнинг бир тури бўлиб, унда диндорлар дунёқараши ва нуқтаи назарига алоҳида аҳамият берилади.

Феноменология мавҳум тушунча бўлиб, Эдмунд Гуссерл (1859-1938) томонидан асосланган замонавий фалсафий ҳаракат сифатида инсон онгининг

воқеълик билан таъсирини субъектив тажриба орқали ўрганишни мақсад қилади. Воқеълик эса инсон туйгуси ёки онги орқали идрок қилинадиган реалликнинг белгиси ҳисобланади. Феноменологик ёндашувдан диншуносликда кенг миқёсда фойдаланишдан аввал мавзунинг кириш қисмида ушбу ёндашувнинг нима учун психологик ёндашув билан бир ўринда зикр қилиниши ҳамда олдинги бўлимда тадқиқ қилинган социологик ва антропологик ёндашувлар билан боғлиқ жиҳатлари ҳақида тўхталаиб ўтсак. Дин феноменологияси вакиллари антропологлар томонидан тўпланган маълумотлардан ўз йўналишларида фойдаланадилар

Аввало, айтиш лозимки, бу бўлимда ўрганиладиган феноменологик ва психологик ёндашувлар социологик ҳамда антропологик ёндашувлар билан бир ўринда ишлаб чиқилган ва ривожлантирилган. Қолаверса, ушбу тўрт ёндашув бўйича фаолият олиб борган асосий намоёндалар ва яратилган асарларнинг даври бир вақтга тўғри келади. Бинобарин, уларнинг ҳар бири ўз услугуга кўра теологик ёндашувга нисбатан илмий дея тасвирланади ва улар бугунги кунга қадар илмий йўналиш сифатида яшаб келмоқда. Бундан ташқари, ушбу ёндашувлар бир-бири билан боғлиқ бўлиб, ҳар вақт давомли равишда ўз таҳмин ва услубларини оқлаб келган. Масалан, дин феноменологияси вакиллари антропологлар томонидан тўпланган маълумотлардан ўз йўналишларида фойдаланадилар, шу аснода, у маълумотлардаги антропологик, психологик ёки социологик талқинда сезилмаган камчилик (редукция) бартараф қилиниши ҳам мумкин. Редукционизм мураккаб ҳодиса ёки нарсани ўрганиш учун унинг сабаб ва табиатга эътибор беришни назарда тутган илмий йўналиш саналади. Шунга кўра, динни ўрганишда редукцион антропологик, психологик ва социологик ҳисобга мувофиқ иш қўрилса, диннинг келиб чиқиши ва муайян вазифаларни бажариши мос равишида, маданий, психологик ва социал сабаблар билан боғлиқлиги тўғрисида хулоса келиб чиқади. Ўз навбатида, феноменологлар ўзларининг социолог ҳамкаслариiga уларни бутун нарсанинг бир қисмига эътибор қаратганликлар ёки дин, ритуал ва афсоналарнинг диний сифатга эга эканлигини нотўғри талқин қилганлари ёки ўтказиб юборганлари учун эътиroz билдирадилар. Энди, масаланинг моҳиятини таърифлаш ва тушунтиришда феноменология ва психология ўртасида фарқ мавжудлиги уларни тенглаштиришга уринишни ажабларли қилиб кўрсатиши мумкин. Бироқ, ҳақиқатан, улар бир қатор масалалар, жумладан, диний онг, диний тажриба ва қараш борасида умумий ўхшашликлар эга. Шунингдек, ҳар иккиси, турли шаклда бўлса-да, социологик қарашлардан фарқ қиласди. Психологлар шахснинг ҳиссий тажрибаси, эҳтиёжи ва фикрлашига оз эътибор қаратганлиги назаридан социологик назарияларни танқид қилишса, феноменология соҳаси вакиллари эса динни тушунишда унинг ижтиомий вазифасидан кўра ҳам жамоа, ҳам индивидни қамраб олувчи диннинг таркибий тузилишини тадқиқ қилиш лозимлигини уқтирадилар. Одатда, бу соҳаларда муҳокама мавзууси – инсоннинг ички ҳаёти ҳамда ритуаллар, мифлар, муқаддас қадамжолар, илоҳий тасаввур каби диний феноменлар

хисобланади. Мазкур тушунчалар борасида ушбу икки соҳа ўртасидаги кесишиш нуқтаси, психологлар сингари феноменологлар юқоридаги диний феноменларни инсон томонидан қандай тажриба ва идрок қилинишига асосий эътибор қаратадилар. Дин феноменологиясида муҳокама мавзуси – инсоннинг ички ҳаёти ҳамда ритуаллар, мифлар, муқаддас қадамжолар, илоҳий тасаввур каби диний феноменлар ҳисобланади. Унда диний феноменларни инсон томонидан қандай тажриба ва идрок қилинишига асосий эътибор қаратадилар.

Дин психологияси билан феноменологияси ўртасидаги ўхшашлик яна, улар томонидан қўлланиладиган тушунчалар, қарашлар ва мос тавсифларда кўзга ташланади. Айни пайтда, “мос тавсиф” (“sympathetic descriptions”) деганда, диндор томонидан ўз диний анъана тўғрисида, ҳеч бир танқидий таҳлилсиз, маълумот бериш тушунилади, бунда, воқеълик ҳақида маълумот беришдан бўлак билимга бирор янгилик қўшилган ҳисобланмайди. Қолаверса, “мос тавсиф” диндорнинг хис-туйфуга йўғрилган қарашларини тушунишни англатади. “Брекетинг” (“Bracketing”) эса ҳакам қарорини вақтинча (вазиятга тўғри баҳони белгилаш учун) тўхтатиб туришни билдиради. “Соддалаштирмаслик” (“Irreducibility”) зарурий сифатни йўқотиш мақсадида объективнинг муайян қисмини истамаслик ёки ишончсизлик билан қисқартиришни назарда тутади. Шундай қилиб, феноменологлар редукцион социологик қарашларни рад этган ҳолда, динни тушунириш йўли сифатида фақат психологик ёндашувни қабул қилишни маъқул кўрмайдилар. Ўз навбатида, феноменологлар илмийлик ёки объективлик таъминланганлиги жиҳатидан диний эътиқод ва амалиётларнинг нафақат, психологик балки, социологик, сиёсий ва бошқа таъсирлари мавжудлигини эътироф этадилар. Феноменология вакиллари ушбу – Элиаде асарларида “сакрат” (“sacred”), Otto наздида “муқаддас” (“numinous” or “holy”) деб номланган (бу назариётчилар ва уларнинг қарашлари ҳақида қўйида тўхталинади) – фарқли диний жиҳатни сақлаб қолиш ва унга катта ургу беришга ҳаракат қилаётган бўлсалар-да, бу ёндашув диндорлар томонидан амалга оширилган теологик фикрни тасдиқ ёки инкор қилганданда қўра ҳақиқат ҳақидаги “брекет” фикр учун энг яхши бўлиб қолмоқда. Феноменологларнинг иши қўпинча, диндорнинг ғояси, тили, афсона, ритуаллар, эътиқод ва амалиётларини тушунишга ҳаракат қилишлиги жиҳатидан дин билан боғлиқ бўлса-да, улар диндорнинг тушунчаларини тасдиқлаш, рад этиш, ёки ўзлари учун унга нисбатан чегара белгилаб олишга ҳақлари йўқ ҳисобланади. Психологик ёндашувлар эса бундай тўхталиш (брекет) ёки хайриҳоҳлик (симпатия)га боғлиқ эмас. Дин психологиясининг баъзи намоёндалари ички муқаддас кучнинг ҳақиқат эканлигига тўхталиб ўтишларига қарамай, улардан бошқа гуруҳ дин психологик эҳтиёж, орзуларни рўябга чиқишини қаттиқ исташ, жисмоний заифдан келиб чиқсан инсон тузилишидаги проекция, дея фикр билдириб ўтадилар.

Шунингдек, психологик ёндашувларда ички диний ҳақиқатнинг имкониятларини инкор қилмаган ва уларнинг диндор маънавий соғломлигидаги ўрнини четга суриб ташламаган ҳолда диний амалиётларни ўрганиш орқали инсоннинг қарashi, тажрибаси ва ҳатто, онг фаолиятига эътибор қаратилади. Аслида, диннинг бу сингари ижобий жиҳатлари

диндорнинг тушунчаси ва диний тажрибаси ҳақида психологик тушунтиришларни талаб қилади. Феноменология ва психология соҳаси вакиллари, бирдек, инсонни янада яхшироқ тушуниш мақсадида диннинг турли жиҳатлар, диний тажриба, эътиқодлар, анъаналар, диний ҳаёт тарзи, келиб чиқиши ва функциялари устида таҳлилий фаолият олиб борадилар. Бундан ташқари, ушбу ёндашувлар бир гуруҳга оид келиб чиқиш ва амбицияга эга ҳисобланади. Ўн тўққизинчи асрнинг бошларида, Гегель билим нуқтаи назаридан, феноменологияни онг орқали ўзлаштириладиган илм деб таърифлади. У ўзининг “Рух феноменологияси” асарида айтадики, фарқли ҳодиса (феномен)ларнинг пухта ўрганиш турли кўринишларни бирлаштирувчи ва йўналтирувчи асосий руҳни кашф этишга олиб боради. Шунингдек, у диншуносликнинг ривожланишидаги асосий тадқиқотлар “дин ҳақидаги илм” номи билан олиб борилганлиги ва бунда асосан феноменологик ёндашувдан фойдаланилганлигини таъкидлайди. Ўн тўққизинчи асрнинг охирларида, Пьер Даниэль Шантепи де ла Суассайе дин ҳақидаги фан йўлида психологик ва феноменологик ёндашувлар бир-бирини тўлдиришини таъкидлаган ҳолда уларни бир ўринда зикр қилади.

Дин психологияси psychology фани сингари инсон, маданият, жамият ва дунё моҳиятини яхшироқ англашни мақсад қилган фанлар шакли кенгайган XIX асрда юзага келди. Карл Юнг диншунослик тадқиқотларига бағишлиланган “Психология ва дин: Ғарб ва Шарқ” асарида билдиришича, тадқиқотчи “метафизик ёки фалсафий мулоҳазаларни” ўзлаштирмай туриб, “феноменни кузатиш” ҳақида сўз очмаслиги лозим. Шунингдек, у ўз тадқиқотларида реал воқеа-ҳодисалар, тажрибага суюниши сабабидан амалий (эмпирик) эканлиги, қолаверса, муҳокамадан кўра фактлар асосланганлиги жиҳатидан феноменологик ёндашувлардан фойдаланиш қатъий равишда афзал кўради. Баъзи фан ва технология тушунчалари фаразларни текшириш ҳамда Юнг ва ундан аввалги олимлар яшаган давр оралиғида ўзгарган “факт”ларни қайта тиклаш учун ишлатилган. Когнитив (билим) илм ва “невротеологик” таҳлил орқали диннинг тадқиқ қилишни замонавий кўриниши яқин даврлар ичida вужудга келган ҳаракат бўлиб, билим жараёни ва ақл фаолияти нуқтаи назаридан диний онглийкни ўрганади. Бу ёндашувлар илгор илмий услублар, тил, ҳиссиёт ва технологиялардан фойдаланади, бироқ, дин ва диний онглийк ҳақидаги тушунтириш ва интерпретациялар натижаси ҳар доим ҳам эскирган дастлабки барча ёндашув ва услубларни намоён қилавермайди. Биз диний онг, тушунча ва тажрибага катта эътибор қаратилган динни илмий ўрганиш доирасидаги ушбу тадқиқотимизда феноменологик ва психологик ёндашувлар орқали юқоридаги янги ҳаракатларни қўриб чиқамиз<sup>15</sup>.

### 3. Диний феноменнинг намоён бўлиши.

Диний тушунчалардан энг муҳими бу “имон” ва “ишонч” феноменидир. Ушбу туйғу инсонларнинг ҳаётини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Динга ишонувчи киши ўз ҳаётини бир умр машаққатга қўйиб бўлса-да

<sup>15</sup> Hillary Rodrigues, John S. Harding . Introduction to the study of religion. – USA, Routledge, 2009. – P. 74-77.

эътиқодига содиқ қолишга бағишилаши мүмкін. Масалан, диний мажбурият сифатида белгиланған мұқаддас жойларға зиёрат учун диндорлар машаққат чекиб қанча узоқ бўлса ҳам боришга интиладилар. Ваҳоланки, ўша зиёратга кетадиган вақт, маблағ ва кучни бошқа бирор дам олиш ҳудудига боришга сарфлаш ҳам мүмкін эди. Аммо диндор киши бунинг ўрнига машаққатли, лекин ўз эътиқоди бўйича зарурий ҳисоблаган жойга боришни танлайди.

Дин ўз навбатида мазкур феноменларни бошқаради. Чунки бу каби феноменлар орасида “диний мутаассиблиқ” каби салбий феномен ҳам борки, у кўпинча диннинг асл эзгулик мөҳиятидан бехабар қолган, дин ҳақида чуқур фалсафий мушоҳадага эга бўлмаган ёки ҳаётий ва диний тажрибага эга бўлмаган кишиларда намоён бўлади. Баъзан эса диндан етарлича бохабар бўла туриб, ундан муайян манфаатлари йўлида фойдаланишга уринувчи кишиларда ҳам онгли равишда намоён бўлиши кузатилади.

- Имон
- Илм олиш феномени.
- Ватанни севиш феномени.
- Гуноҳкорликни тан олиш.
- Руҳан таскин топиш.
- Риҳла
- Ният

Кузатилганидек, юқоридаги мавзуга кириш қисмида феноменологик ёндашув ва унинг айрим хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтилди. Бу ёндашувнинг ўзига хос хусусияти ҳақида гап кетганда, унда динийлик диний ҳодисани ёртишда бир томонламалиқ ён босишига қарамай, ундан муайян даражада фойдаланишни ёқлаши ёдимизга келади. Айтиш мүмкинки, дин ўз табиатига эга. Шу жиҳатдан, феноменология намоёндалари одатда, таъкиллайдиларки, дин ўзига хос ноёб тушунча бўлиб, унга антропология, социология, психология ва тарих фанларининг фақат бирининггина фокусидан боқищ, кишига ҳеч нарса келтирмайди. Албатта, ушбу соҳа ва ёндашувларнинг ҳар бири дин ҳақида муҳим маълумотларни фанга қўшади, аммо, феноменологлар фикрича, динни фақат унинг ижтимоий-иқтисодий, психологик ва маданий жиҳатларини билиш билан тўлиқ англаб ёки инкор этиб бўлмайди. Дин феноменологлари комил имон таъкиллайдиларки, динни инкор қилишга уриниш унинг зарурий жиҳатларини англаб этишга монеълик қиласди. Бу ёндашувни лозим тутганлар диншунослик соҳасининг чин фидоийлари бўлиб, ўз касбларига садоқатларидан, улар динни теологик қарашлар, услублар орқали, ҳатто, психология, антропология, социология ва тарих фанлари кесимида ўрганишга киришадилар. Масалан, бу соҳалар динга иккинчи даражали тушунчаси сифатида ёки чекланған эътибор қаратадилар: психология фақат динни руҳий жиҳатини тушунтиради; антропология муайян ритуал устида “дала-тадқиқоти”ни олиб боради; социология фақат дин социологияси доирасида дин билан шуғулланади; тарих эса тарихий контекст, динамика ва ҳодисалар орасида кичик бир фактор ўрнида динга мурожаат қиласди. Диншунослик соҳаси эса чекланған ёки бетартиб ёндашувдан қочган

холда динни унинг манбалари ва институтлари билан биргаликда тўлиқ ва тадрижий ўрганишни қамраб олади. Ўз навбатида, феноменологлар тўлиқ бўлмаса-да, қисман университетда ўтиладиган диншунослик таркибида ҳам бир хил диний жиҳатлар мавжудлигини билдириб ўтадилар. Феноменологик ёндашув диншунослик тадқиқотларига жуда катта таъсир кўрсатган бўлишига қарамай, феноменология тушунчаси қўплаб диншунос олимлари учун мавхумлигича қолмоқда. Термин ҳақидаги равshan тушунишни йўқлиги у диншунослик соҳасида кўлланилганда, маъноси ўзгариши билан боғлик. “Феномен” сўзи инсон ҳиссий аъзолари орқали ўзлаштириладиган ёки тушуниладиган нарсани билдиради. Албатта, бунда ҳиссий аъзолар орқали тушуниладиган нарса (объект) асл ҳоли каби бўлмаслиги мумкин. Бу тушунча инсон ҳисси, тажрибаси, таъм аъзолари, адабиётлар, тарих, маданият, онг, билим орқали шаклланади. Нарсанинг ўзидағи ички моҳияти уларнинг линзалари орқали намоён бўлади. Шу жиҳатдан, феноменология бизнинг кўзимизга кўринган нарсани эмас, балки унинг моҳиятини ўрганиш биан шуғулланади. Тан олиш керакки, онг ва тажриба тавсифи билимларни ўзлаштириш орқали гавдаланади.

Баъзи дин феноменологияси намоёндалари кенг миқёсдаги мифлар, ритуаллар, мантлар ибодатхоналар, рақслар, амалиётлар, эътиқодлар, худо ҳақидаги ғоялар ва муқаддас қадамжолардан иборат маълумотлар асосида диннинг моҳиятини тушуниш ва тасвирлашга уриниб кўрадилар. Диншунослик тарихидаги бир қатор нуфузли мутафаккирлар ушбу йўналишда фаолият олиб борганлар. Яна кўпчилик дин ва диндорларнинг қарашлари, тили, тушунчалари ва тушунтиришларига кўра иш юритганлар. Албатта, улар диндорларнинг интерпретацияси билан чекланиб қолмаганлар, лекин, улар диннинг илмий ўрганишда бошқа ёндашувлар билан мос равишда, диндорларнинг қараш ва тушунтиришлари алоҳида аҳамиятга эга деб ҳисоблаганлар. Шубҳасиз, бирор динга мансуб ёки мансуб бўлмаган ҳар қандай олим диний эътиқод ва амалиётлардан намуналар устида феноменологик кузатув, таҳлил ва изоҳлаш (интерпретация)ни амалга оширган. Бунда, диндор бўлмаган тадқиқотчи диндорнинг ҳиссий ҳолатига чуқур эътибор қаратиши лозим бўлса, диндор тадқиқотчи ўз дини ҳақидаги норматив фаолият секуляр шароитда илмий таҳлил чегарисидан чиққан ҳолатда, конфессионал қарашга қарши ҳимояланиши керак бўлади (яъни, кўп ҳам диндорлик позициясидан воқеъликка назар ташламаслик лозим). Ирредукцион (мураккаб) диний моҳият ҳақидаги далиллар мисолида дин ва диндорга йўналган мос муносабатлар ўрганилган юқоридаги фикрлар асосида секуляр ва теологик ёндашувлар ўртасидаги чегара нуфузли феноменологлар томонидан олиб ташланган.

Рудольф Отто (1869-1937) ушбу фарқни бартараф этган олимларнинг мумтоз вакили саналади. Баъзи феноменологлар фалсафа юзасидан диншуносликка ёндашувчи, яна бошқалари динни илмий ўрганишдаги объектив намуналарга эҳтиёткорона муносабат билдириш тарафдори бўлган бўлсалар, Отто теолог сифатида фаолият бошлаган дастлабки диншунос олимлардан ҳисобланади. Бу теологик тавсиф тажриба билан уйғуллашиб,

унинг “Муқаддас ғоя” (1923) асари юзага келишига сабаб бўлди. Бу асарда Отто ўқувчининг эътиборини “кимдир ҳис қиласиган, кимдир ҳис қилмайдиган” диний тажрибани онг қандай намоён бўлишига қаратади. Бир томондан, Отто ўз мисолида диний моҳиятнинг диндор тушунчасида тажрибадан ўтишини ифодаласа, бошқа томондан, ташқаридан туриб диний тажрибани объектив равишда тушуниш ва тушунтиришга қаратилган илмий ўрганиш имконияти мавжуд эмаслигини билдиради. Унинг фикрлари кўпроқ мантиққа яқин ва интуитив (сезига асосланган) бўлиб кўриниши мумкин. Унинг диний тажрибага эга бўлмаганларни “рўйхатдан ўчириши” Зигмунд Фрейд каби дунёвий (секуляр) назариялар тарафдорларнинг танқидларига учраган. Фрейд ўзининг “уммон мисол” тажрибага эга эмаслигини ҳамда унинг назарияларига диний тажриба инкор қилинмаслигини эътироф этиб ўтади. Шундай бўлса-да, Оттонинг чеклови очик, бетараф, такрорланиб турувчи ва ишончли таҳлилнинг социал илмий намуналари ва диннинг секуляр ўрганиш билан конфликт мавжудлиги жиҳатидан истисноли ва нормал баҳоланади.

Маълум маънода, унинг теологик ёндашуви бир томонлама кўриниши мумкин, лекин, диннинг ирредукцион (ғайритабии) моҳиятини тавсифлашда у феноменологик ёндашув ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Қолаверса, у инсонлар қандай қилиб динни идрок этиши ва тажрибадан ўтказишини кўрсатиб берди. Масалан, у ушбу “муқаддас” воқеъликни инсонлар қандай тажрибадан ўтказишлиарини рационал тавсифлар орқали эмас, балки миннатдорлик, қўрқув, террор, ҳаяжон каби ҳиссий ҳолатлар билан характерланувчи “мистерия” (диний мавзу) юзасидан таҳлил қилиб ўтган. Диний тушунчалар билан боғлиқ юз берадиган миннатдорлик, қўрқув, сабр каби ҳолатларга Оттонинг тавсифи христианлик нуқтаи назардан билдирилган бўлса-да, аммо, айни пайтда, у тавсиф бошқа динлардаги диндорлар бошдан кечирадиган тажриба ва қарашларга мос келади. Аниқроқ қилиб айтганда, христианлик бўйича қудратли худонинг яратганларидан қаттиқ таъсиrlаниш рухида унинг (Отто) тили ва ғоялари айланса-да, ўзининг эътиқодидан ташқари умумий диний жиҳат ҳақида сўз юритишига ҳаракат қиласиди. У феноменологиянинг характерли жиҳати бўлган очиқ таърифларни ишлатиш орқали динларни қиёсий ўрганиш услубидан кенг фойдаланади. У динлар ўртасидаги фарқларни кўрсатиб ўтиш билан бир қаторда улардаги кўплаб ўхшаш жиҳатлардан намуналар келтиради. Баъзида эса ягона ҳақ дин сифатида ошкора христианликни келтириш орқали холис таққослаш ҳиссини савол остида қўяди. Унинг диний тажриба ва дини алоҳида моҳиятга эга сифатида тушунишига қаратилган тавсифлари диншуносликда бугунги кугда кенг қўлланилмаса-да, аммо маълум даражада ўзига хос из қолдирди.

Голландиялик олимлар П.Д.Шантели де ла Сауссайе (1818-1874) ва Корнелиус Петрус Тиеле (1830-1902) феноменологиянинг илк намоёндалари бўлиб, улар дастлаб христианлик доирасида теологияни ўрганишган ва кейинчалик феноменологик ёндашувларни кенгайишига ўз ҳиссаларини қўшганлар. Улар ўз тадқиқотларини динни турли тушунчалар кесимида эмас, балки бутун ҳолида англаш мақсадида ташкил қилдилар. Улар динни тўлиқ

англаб етишда мукаммал самара келтирмаслигини билиб туриб, динни илмий тадқиқ этиш услубидан фойдаландилар. Герард ван дер Леу (1890-1950) ҳам ушбу йўналишда фаолият олиб борган тадқиқотчилардан саналади. “Моҳият ва тушунчалардаги дин: феноменология бўйича тадқиқотлар” (Religion in Essence and Manifestation: A Study in Phenomenology) деб номланган унинг диссертация, кейинчалик китоби динни илмий ўрганиш бўйича феноменологик ёндашувлар ривожланишига муносиб ҳисса қўшди. У муқаддаслик кучини эътиборга олган ҳолда, тадқиқот обьекти сифатида дин, субъекти сифатида диний тажрибани пухта ва эҳтиёткорона ўрганади. У диндорларнинг қўркув ва динга интилувчанлик ҳиссини тадқиқ қиласди. Ўз навбатида, ван дер Леу ишлари орқали турли динлар бўйича тўплаган кенг ҳажмли маълумотларни артиблаш ва изоҳлашга қўмаклашган христиан теологик қарашини кашф этилишига туртки бўлди<sup>16</sup>.

### **Ўтилган мавзу бўйича саволлар**

1. Дин феноменологияси диншунослик соҳаси сифатида қачон вужудга келди?
2. Дин феноменологияси асосчилари сифатида кимларни биласиз?
3. Дунё динларини феноменологик ўрганиш нималардан иборат?
4. Дин феноменологияси намояндалар қайси соҳалари вакиллари ютуқларидан фойдаланадилар?
5. Дин феноменологияси ва дин психологияси ўртасида қандай ўхшаш ва фарқли жиҳатлар мавжуд?

### **Адабиётлар**

1. Hillary Rodrigues, John S. Harding. Introduction to the study of religion. – USA, Routledge, 2009.
2. Диншунослик асослари (ўқув қўлланма) / Муаллифлар жамоаси. – Т.: “Тошкент ислом университети нашриёт матбаа бирлашмаси”, 2013.
3. Агзамходжаев С., Раҳимжонов Д., Мухамедов Н., Нажмиддинов Ж. Дунё динлари тарихи (Ўқув қўлланма). – Тошкент, “Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси”, 2011.
4. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д. ва бошқалар. Диншунослик: Дарслик / масъул муҳаррир Н.Иброҳимов. – Тошкент: Мехнат, 2004.
5. Валиев Б., Расулов А. Дин психологиясини ўқитишнинг инновацион методлари. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2013.
6. Дин психологияси: ўқув қўлланма / Б.Валиев ва бошқалар. – Тошкент: “Мовароуннаҳр”, 2014.
7. Расулов А., Турсунов Л. Дин психологиясидан практикум. – Тошкент: “Мовароуннаҳр”, 2016.

---

<sup>16</sup> Hillary Rodrigues, John S. Harding . Introduction to the study of religion. – USA, Routledge, 2009. – P. 78-80.

## **IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

**1-мавзу:** Диншуносликнинг фан сифатида ривожланишининг муаммолари ва истиқболи

### **Назорат саволлари:**

1. “Авесто” таълимотидаги фалсафий ғоялар
2. “Дин фалсафаси” фанига кириш
3. “Дин фалсафаси” фанининг предмети, мақсади ва вазифалари, амалий аҳамияти
4. «Барча руҳлар» байрами ҳақидаги диний тасаввурлар.
5. «Барча руҳлар» байрами ҳақидаги диний тасаввурлар.

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Абдусамедов А.И. Диншунослик асослари. Т., Ўзбекистон, 1995.
2. Яблоков И.Н. Религия: сущность и явления. М., 1982.
3. Яблоков И.Н. Социология религии. М., 1979.
4. Токарев С.А. Религия в истории народов мира. 4-е изд., испр. и доп. М., 1986.
5. Самыгин С.И., Нечипуренко В.Н., Полонская И.Н. Религиоведение: социология и социология религии. Ростов-на-Дону, 1996.
6. Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. М., 1996; 2-е издание, исправленное и дополненное. М., 1999.
7. Лукашов В.А., Омурова Т.О., Трофимова З.П. Религиоведение. М., 2000.
8. Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Под редакцией С.М.Прозорова. Выпуски 1-3. М., 1998-2001.
9. Мўминов А.Қ. Диншунослик асосларини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси. Т., Тошкент давлат шарқшунослик институти, 1999.
10. Реадон Б. Бағрикенглик: тинчлик сари олға қадам. Т., 2002.

**2-мавзу: Ўзбекистонда диний конфессиялар фаолияти ва диний бағрикенглик**

### **Назорат саволлари:**

1. Ақидапараст, радикал ислом тарафдорларининг ғайри илмий қарашлари.
2. Библияни сўзма сўз талқин қилувчи фундаменталистик ҳаракатларнинг мазмун-моҳияти.
3. Брахманлик билан буддизм ўртасидаги гоявий кураш.
4. Брахманлик билан буддизм ўртасидаги ғоявийкураш.
5. Брахманликда тан олинган асосий уч худо: 1) Барҳма; 2) Вишну; 3) Шива, уларнинг диний-фалсафий ғоялари.

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Абдусамедов А.И. Диншунослик асослари. Т., Ўзбекистон, 1995.

2. Яблоков И.Н. Религия: сущность и явления. М., 1982.
3. Яблоков И.Н. Социология религии. М., 1979.
4. Токарев С.А. Религия в истории народов мира. 4-е изд., испр. и доп. М., 1986.
5. Самыгин С.И., Нечипуренко В.Н., Полонская И.Н. Религиоведение: социология и социология религии. Ростов-на-Дону, 1996.
6. Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. М., 1996; 2-е издание, исправленное и дополненное. М., 1999.
7. Лукашов В.А., Омурова Т.О., Трофимова З.П. Религиоведение. М., 2000.
8. Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Под редакцией С.М.Прозорова. Выпуски 1-3. М., 1998-2001.
9. Мўминов А.Қ. Диншунослик асосларини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси. Т., Тошкент давлат шарқшунослик институти, 1999.
- 10.Реадон Б. Бағрикенглик: тинчлик сари олға қадам. Т., 2002.

### **3 - мавзу: Ислом: қадриятлар, маънавият ва маърифат**

#### **Назорат саволлари:**

1. Ислом ақидалари ва тамойиллари, аркон ат-дин рукнларининг диний-фалсафий мазмуни
2. Ислом масаласида тақдир масаласи.
3. Ислом фалсафасининг миллий мафкуруни шакллантиришдаги ўрни.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

- 11.Абдусамедов А.И. Диншунослик асослари. Т., Ўзбекистон, 1995.
- 12.Яблоков И.Н. Религия: сущность и явления. М., 1982.
- 13.Яблоков И.Н. Социология религии. М., 1979.
- 14.Токарев С.А. Религия в истории народов мира. 4-е изд., испр. и доп. М., 1986.
- 15.Самыгин С.И., Нечипуренко В.Н., Полонская И.Н. Религиоведение: социология и социология религии. Ростов-на-Дону, 1996.
- 16.Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. М., 1996; 2-е издание, исправленное и дополненное. М., 1999.
- 17.Лукашов В.А., Омурова Т.О., Трофимова З.П. Религиоведение. М., 2000.
- 18.Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Под редакцией С.М.Прозорова. Выпуски 1-3. М., 1998-2001.
- 19.Мўминов А.Қ. Диншунослик асосларини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси. Т., Тошкент давлат шарқшунослик институти, 1999.
- 20.Реадон Б. Бағрикенглик: тинчлик сари олға қадам. Т., 2002.

#### **4- мавзу: Диншунослик тадқиқот усуллари.**

##### **Назорат саволлари:**

1. Илмий-фалсафий дунёқарааш тушунчалари.
2. XVIII-XIX асрдаги олам ҳақидаги механистик назария.
3. XIX аср охири XX аср бошларида “олам манзааси” назариясининг ривожланиши.
4. Коинот назариясининг пантеистик тушунчаси.
5. XX асрда табиатшунослик фанларида эришилган ютуқлар (буюк уч кашфиёт ва бошқалар) одам ва оламни келиб чиқишидаги янги фикрларнинг шаклланиши.
6. Диний дунёқарааш ва уни шакллантирувчи омиллар.
7. Стивен Хакеннинг диний – фалсафий қараашлари.

##### **Адабиётлар рўйхати:**

- 21.Абдусамедов А.И. Диншунослик асослари. Т., Ўзбекистон, 1995.
- 22.Яблоков И.Н. Религия: сущность и явления. М., 1982.
- 23.Яблоков И.Н. Социология религии. М., 1979.
- 24.Токарев С.А. Религия в истории народов мира. 4-е изд., испр. и доп. М., 1986.
- 25.Самыгин С.И., Нечипуренко В.Н., Полонская И.Н. Религиоведение: социология и социология религии. Ростов-на-Дону, 1996.
- 26.Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. М., 1996; 2-е издание, исправленное и дополненное. М., 1999.
- 27.Лукашов В.А., Омурова Т.О., Трофимова З.П. Религиоведение. М., 2000.
- 28.Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Под редакцией С.М.Прозорова. Выпуски 1-3. М., 1998-2001.
- 29.Мўминов А.Қ. Диншунослик асосларини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси. Т., Тошкент давлат шарқшунослик институти, 1999.
- 30.Реадон Б. Бағрикенглик: тинчлик сари олға қадам. Т., 2002.

#### **5 - мавзу: Дин феноменологияси.**

1. Дин феноменологияси диншунослик соҳаси сифатида қачон вужудга келди?
2. Дин феноменологияси асосчилари сифатида кимларни биласиз?
3. Дунё динларини феноменологик ўрганиш нималардан иборат?
4. Дин феноменологияси намояндалар қайси соҳалари вакиллари ютуқларидан фойдаланадилар?
5. Дин феноменологияси ва дин психологияси ўртасида қандай ўхшаш ва фарқли жиҳатлар мавжуд?

### *Адабиётлар*

1. Hillary Rodrigues, John S. Harding. Introduction to the study of religion. – USA, Routledge, 2009.
2. Диншунослик асослари (ўкув қўлланма) / Муаллифлар жамоаси. – Т.: “Тошкент ислом университети нашриёт матбаа бирлашмаси”, 2013.
3. Агзамходжаев С., Раҳимжонов Д., Муҳамедов Н., Нажмиддинов Ж. Дунё динлари тарихи (Ўқув қўлланма). – Тошкент, “Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси”, 2011.
4. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д. ва бошқалар. Диншунослик: Дарслик / масъул муҳаррир Н.Иброҳимов. – Тошкент: Мехнат, 2004.
5. Валиев Б., Расулов А. Дин психологиясини ўқитишнинг инновацион методлари. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2013.
6. Дин психологияси: ўқув қўлланма / Б.Валиев ва бошқалар. – Тошкент: “Мовароуннаҳр”, 2014.
7. Расулов А., Турсунов Л. Дин психологиясидан практикум. – Тошкент: “Мовароуннаҳр”, 2016.

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1. Шарқ ва Ғарб олимларнинг дин фалсафаси ҳақидағи қарашлари ҳақида нималар биласиз?
2. Дин келиб чиқишининг обектив ва субъектив омиллари, фалсафий таҳлили деганда нималарни тушунасиз
3. Диннинг структуравий элементлари: диний эътиқод, диний онг, диний фолият, диний муносабатлар, диний ташкилотлар мазмунин ва ғоявий йўналиши ҳақида гапириб беринг.
4. Ислом ақидалари ва тамойиллари, аркон ат-дин рукнларининг диний-фалсафий мазмунин ҳақида гапириб беринг
5. Ҳадисшунослик илми, унинг диний-аҳлоқий ва фалсафий қарашлари ҳақида гапириб беринг.

## **VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

### **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулнинг хусусиятларини ҳисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб, тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модуль мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар воситасида маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модуль бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- амалий машғулотларда берилган топшириқларни бажариш.

### **Мустақил таълим мавзулари**

1. “Дин фалсафаси” фанига кириш
2. “Дин фалсафаси” фанининг предмети, мақсади ва вазифалари, амалий аҳамияти
3. Шарқ ва Ғарб олимларнинг дин фалсафаси ҳақидаги қарашлари
4. Дин фалсафасининг мустақил фан сифатида шаклланиши
5. Дин келиб чиқишининг обектив ва субъектив омиллари, фалсафий таҳлили.
6. Динни тадқиқ этишда тарихийлик ва мантиқийлик тамойилларининг уйғунлигига асосланиш.
7. Диннинг структуравий элементлари: диний эътиқод, диний онг, диний фолият, диний муносабатлар, диний ташкилотлар мазмуни ва ғоявий йўналиши.
8. Дин ҳақидаги фалсафий ва социологик концепциялар ва дин таърифи.
9. Дин функциялари, уларнинг фалсафий таҳлили.
- 10.Диний дунёқараш, унинг билиш, аксеологик, проксеологик жиҳатлари.
- 11.Дастлабки мифологик қарашларда “Худо” тушунчаси

## VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи
<b>Абхидхарма-Питака</b>	– буддавийликнинг муқаддас китоби Трипитаканинг фалсафа ва психологияга оид қисми.
<b>Авесто</b>	(қад. эрон-паҳлавий. «ўрнатилган, қатъий қилиб белгиланган қонун-қоидалар») зардуштийликнинг муқаддас китоби.
<b>Ақида</b>	араб тилида бирон нарсани бир-бирига боғлаш маъносини англатади. Истилоҳда эса ақоид илмининг машҳур номларидан бири.
<b>Ақлий далил</b>	мутакаллимларнинг ўз раъйлари. Фикрий қарашлари асосида бирон ақидавий масалага берган жавоблари. Ақлий далил асосан мантиқ билан боғлиқ ҳисобланган
<b>Анимизм</b>	лотин тилида “анима”- рух, жон маъносини англатади. Анимизим руҳлар мавжудлигига ишонч, табиат кучларини илоҳийлаштириш, ҳайвонот, ўсимлик ва жонсиз жисмларда рух, онг табиат, кудрат борлиги таълимоти илгари сурилган.
<b>Апокалипсис (Вахийнома)</b>	“Янги Аҳд”нинг таркибий қисми бўлиб, уни “Инжил” муаллифларидан бири Иоанн илоҳий илҳом орқали ёзган, деб эътиқод қилинади. Ушбу китобда қиёмат ва Исонинг иккинчи қайтиши билан боғлиқ ҳодисалар баён қилинган.
<b>Апостол</b>	христиан таълимотига биноан Исонинг энг яқин ёрдамчиларининг унвони. Уларнинг асосийлари 12 та: Пётр (Симон Ионин), Андрей, Иоанн, Иаков Зеведеев, Филипп, Варфоломей, Матфей, Фома, Иаков Алфеев, Фаддей, Симон Кананит, Иуда Искариот (Исони сотган ҳаворий), Матфий (Иудадан сўнг унинг ўрнини эгаллаган). Булардан ташқари яна 70 нафар ҳаворийлар мавжуд бўлгани христиан адабиётларида қайд этилади.
<b>Арафот</b>	(араб. «танимок, билмоқ» феълидан) Макка

	шахрининг шарқ томонидаги тепалик. Ривоятларга кўра, жаннатдан туширилган Одам Ато ва Момо Ҳавво ерда илк бор мана шу тепалиқда учрашганлар. Шунинг учун ҳам уни «Арафот» – «Танишув» деб атаганлар. Ҳаж мавсумида барча ҳожилар қурбон ҳайитидан олдинги кун тонгдан кун қайтгунга қадар шу тепалик атрофидаги майдонда туришлари фарз. Шу сабабли ҳайитдан олдинги кун «арафа куни» деб аталади.
<b>Библия</b>	– яхудийлик ва христианлик динларининг асосий муқаддас манбаи. Яхудийлар “Библия”си “Китве кадеш” ва “Танах” ҳам деб номланади. Христианлар томонидан тан олинадиган Библия “Қадимги Аҳд” ва “Янги Аҳд”дан иборат бўлиб, умумий ҳисобда 66 китобдан иборат.
<b>Дин</b>	инсоният маънавий ҳаётининг таркибий қисмидир. Дин инсонни қуршаб олган атроф мухитдан ташқарида бўлган ва коинотдаги барча нарсаларни яратган айни замонда инсонларга тўғри, ҳақиқий, одил йўлни кўрсатадиган ва ўргатадиган илоҳий борлиқقا ишонч, маслак, қараш таълимотидир.
<b>Дин психологияси нинг асосий объекти</b>	диндорларнинг динга эътиқод қилмайдиган кишиларнинг хулқи ва ҳаракатидан фарқ қилувчи психологик хусусиятларини методологик тамойиллар асосида тадқиқ этишдир.
<b>Диний психология</b>	бу бутун диний оммага хос тасаввурлар, сезгилар, кайфиятлар, урф-одат, анъаналар билан боғлиқ муайян диний ғоя тизимининг умумбирлигидан иборат.
<b>Ибтидоий файласуф</b>	эволюцион позитивистларнинг чиқарган хulosасига кўра, борлиқ ва коинот ҳақида фикрлар юритиб, диннинг келиб чиқишига сабабчи бўлган ибтидоий одам.
<b>Индульгенци я</b>	католик черкови томонидан диндорларга қилинган ёки қилиниши мумкин бўлган гуноҳларни кечириш ҳақида бериладиган гувоҳнома. У пул ёки черков олдидағи

	хизматлар эвазига берилади.
<b>Инжил</b>	(юонча - “Евангелие”) “Янги Аҳд”даги Марк, Матто, Луқо ва Юҳаннолардан ривоят қилинган китоблар назарда тутилади. Уларда Исо Масихнинг ҳаёт йўли ва мўъжизалари баён қилинган. Ислом динида эътиқод қилинадиган якка Худо Оллоҳ деб аталади. Бу X. Маккада яшаган қад. Курайш қабиласи Худоси бўлиб, Муҳаммад тарғибот билан 7-асрларда ислом дини Худосига айланган. Маккадаги қад. ибодатхона – Каъба Байтуллоҳ (Оллоҳнинг уйи) деб аталиб, мусулмонларнинг бош саждагоҳи бўлиб колган.
<b>Кардиналлар коллегияси</b>	Рим католик черковидаги олий кенгаш. Папа ўрни бўшаб қолганда унинг вазифасини бажариш ва янги Папани сайлаш вазифаларини бажаради.
<b>Миро мойи</b> (юонча - “хушбўй мой”)	христианликнинг етти сирли маросимларидан бирида танага суриладиган хушбўй мой. Ушбу мой черков епископи томонидан олий навли зайдун мойига оқ узум виноси, атиргул япроқлари, бинафша, занжабил илдизлари, мускат, атиргул, чиннигул ва лимон мойлари каби маҳсулотларни қўшиб қайнатиш орқали тайёрланади.
<b>Табу –</b>	тотемистик тасаввурлар мавжуд бўлган жамиятдаги диний тақиқ. Бу тасаввурларга кўра, табуни бузган одам руҳлар ва худолар томонидан унга оғир касаллик ёки ўлим юбориш билан жазоланади. Табу маълум бир буюмга тегмаслик, маълум сўзни айтмаслик, маълум ҳайвонларнинг гўштини емаслик кабилардан иборат бўлиши мумкин.
<b>Юҳанно</b> (Иоан)	Исонинг 12 ҳаворийларидан ва “Инжил”нинг муаллифларидан бири. Христианликка кўра, Юҳанно “Янги Аҳд” таркибига кирувчи “Ваҳийнома” китобининг муаллифи ҳамдир.

## VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488 б.
2. Mirziyoyev Sh. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta’minlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganligining 24 yilligiga bag‘ishlangan tantanali marosimdagи ma’ruza. 2016-yil 7-dekabr. – Toshkent: “O‘zbekiston” NMIU, 2017. – 32 б.
3. Mirziyoyev Sh. Erkin va farovon, demokratik O‘zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti lavozimiga kirishish tantanali marosimiga bag‘ishlangan Oliy Majlis palatalarining qo‘shma majlisidagi nutq. – Toshkent: “O‘zbekiston” NMIU, 2017. – 32 б.
4. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси – Президентининг Фармони. – Халқ сўзи, 8-февраль 2017-йил.
5. Каримов И. А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 415-683.
7. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. – Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, – 1999. – Б. 132-154.
8. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. «Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг саволларига жавоблар // Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. – Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, – 1999. – Б. 84-102.
9. Каримов И.А. Аллоҳ қалбимиизда, юрагимиизда. «Туркистон пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар // Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. – Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 349-355.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда: Президент Ислом Каримовнинг Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маърузаси. 1999 йил 14 апрель. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 48 б.
11. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 526 б.
12. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Т. 10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 429 б.
13. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. – Т. 11. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 318 б.
14. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-кудратимизга, халқимизнинг ҳамжихатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 30 б.
15. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 158 б.

16. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.

### **I. Норматив-ҳуқуқий хужжатлар**

17. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.– Т.: Ўзбекистон, 2017.

18. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистоннинг янги қонунлари, № 19. –Т.: Адолат, 1998.

### **III. Махсус адабиётлар**

19. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ (ишонарли тўплам): 4 жилдли. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991-1999.

20. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳ ал-Бухорий: 2 жилдли. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.

21. Авесто “Видевдат” китоби / М.М.Исҳоқов таржимаси. – Т.: ТошДШИ нашриёти. – 96 б.

22. Авесто “Яшт” китоби / М.Исҳоқов таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 124 б.

23. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 432 б.

24. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Т.: Алишер Навоий номли миллий кутубхона нашриёти, 2007. – 275 б.

25. Беруний Абу Райҳон. Қонуни Масъудий // Беруний А.Р. Танланган асарлар. V том. Биринчи китоб. – Т., 1973. – 590 б.

26. Беруний, Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Беруний А.Р. Танланган асарлар. I том. – Т., 1968. – 486 б.

27. Босворт К. Мусулмон сулолалари. Йилнома ва шажаралар бўйича маълумотнома. Изоҳлар билан таржимаси. – Т.: ФАН, 2007. – 270 б.

28. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари: ўкув қўлланма / Масъул муҳаррир А.С.Очилдиев; – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008. – Б. 246.

29. «Диншуносликнинг долзарб муаммолари» мавзуидаги 1-илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. – Т. «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.

30. «Диншуносликнинг долзарб муаммолари» мавзуидаги 2-илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. – Т. «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.

### **Электрон таълим ресурслари**

1. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)

2. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)

3. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)

4. [www.nuuz.uz](http://www.nuuz.uz)

5. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)

